ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.04.09-21 «БИНО ВА ИНШООТЛАРНИНГ ЁНҒИН АВТОМАТИКАСИ ТИЗИМИ. ЛОЙИҲАЛАШ ТАЛАБЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 23 декабрда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 323]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.04.09-21 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси тизими. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир в.б. Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 21 ноябрь,
01/2-81-сон
Келишилди:

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмита раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2024 йил 17 октябрь

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. АБДУХАКИМОВ

2024 йил 24 октябрь

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 22 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг
2024 йил 21 ноябрдаги 01/2-81-сон
буйруғига
1-ИЛОВА

ШНҚ 2.04.09-21 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси тизими. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси тизимини лойиҳалашга оид талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

бинолардан ташқарида жойлашган технологик қурилмаларга;

кўчма стеллажларга эга бўлган омборхоналарга;

аэрозолли қадоқларда маҳсулотларни сақлаш учун мўлжалланган омборхоналарга;

юкларни 5,5 m дан ортиқ бўлган баландликда сақлайдиган омборхона биноларига;

Д синфидаги ёнғинларга ҳамда кимёвий фаол модда ва материаллардан фойдаланиш ва сақлаш жойларига;

ўт ўчириш моддаси билан реакцияга киришиб, портлашга олиб келувчи моддалардан (алюминий-органик бирикмалар, ишқор металлар) фойдаланиш ва сақлаш жойларига;

ўт ўчириш моддаси билан ўзаро таъсирлашганда парчаланиб, ёнувчан газларни (литий-органик бирикмалар, қўрғошин азид, алюминий, рух, магний гидридлари) ҳосил қилувчи моддалардан фойдаланиш ва сақлаш жойларига;

ўт ўчириш моддаси билан ўзаро таъсир қилиш оқибатида кучли экзотермик таъсирига эга (сульфат кислота, титан хлориди, термит) моддалардан фойдаланиш ва сақлаш жойларига;

ўзидан-ўзи ёнадиган (натрий гидросульфит) моддалардан фойдаланиш ва сақлаш жойларига.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.01.05-24 «Табиий ва сунъий ёритиш»;

ШНҚ 2.05.06-22 «Магистраль қувурлар»;

ШНҚ 2.04.01-22 «Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш»;

ШНҚ 2.04.02-19 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар»;

ШНҚ 2.04.05-22 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш»;

ШНҚ 2.04.11-22 «Пластмасса қувурларидан технологик қувур ўтказгичларни лойиҳалаш бўйича»;

ГОСТ 21.203-78 «Лойиҳа ҳужжатларининг асл нусхаларини ҳисобини юритиш ва сақлаш қоидалари» *(расмий манба: «Система проектной документации для строительства. Правила учета и хранения подлинников проектной документации»);*

ГОСТ 12.1.005-88 «Иш зонасининг ҳавосига қўйиладиган умумий санитария-гигиеник талаблар» *(расмий манба: «Система стандартов безопасности труда. Общие санитарно-гигиенические требования к воздуху рабочей зоны»);*

ГОСТ 12.1.019-2017 «Электр хавфсизлиги. Умумий талаблар ва ҳимоя турларининг номенклатураси» *(расмий манба: «Система стандартов безопасности труда. Электробезопасность. Общие требования и номенклатура видов защиты»);*

ГОСТ 12.1.030-81 «Электр хавфсизлиги. Ерга улаш, ноллантириш» *(расмий манба: «Система стандартов безопасности труда. Электробезопасность. Защитное заземление, зануление»);*

ГОСТ 12.2.047-86 «Ёнғин хавфсизлиги техникаси. Атамалар ва талаблар» *(расмий манба: «Система стандартов безопасности труда. Пожарная техника. Термины и определения»);*

ГОСТ 12.4.009-83 «Объектларни ҳимоя қилиш учун ёнғин хавфсизлиги техникаси. Хавфсизлик техникасининг асосий турлари, уларни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш» *(расмий манба: «Система стандартов безопасности труда. Пожарная техника для защиты объектов. Основные виды, размещение и обслуживание);*

ГОСТ 28130-89 «Ёнғин ўчириш техникаси. Ёнғин ўчиргичлар, ёнғин ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмалари. Шартли график белгилар» *(расмий манба: «Пожарная техника. Огнетушители, установки пожаротушения и пожарной сигнализации. Обозначения условные графические»);*

ГОСТ 3262-75 «Сув-газ пўлат қувурлари. Техник шартлар» *(расмий манба: «Трубы стальные водогазовые. Технические условия»);*

ГОСТ 8732-78 «Иссиқлик деформацияланган чоксиз пўлат қувурлар» *(расмий манба: «Трубы стальные бесшовные горячедеформированные»);*

ГОСТ 8734-75 «Совуқ деформацияланган чоксиз пўлат қувурлар» *(расмий манба: «Трубы стальные бесшовные холоднодеформированные»);*

ГОСТ 10704-91 «Электр пайвандланган тўғри чокли пўлат қувурлар» *(расмий манба: «Трубы стальные электросварные прямошовные»);*

ГОСТ 21130-75 «Электртехник буюмлар. Ерга улаш қисқичлари ва ерга улаш белгиларию Конструкцияси ва ўлчамлари» *(расмий манба: «Изделия электротехнические. Зажимы заземляющие и знаки заземления. Конструкция и размеры»);*

ГОСТ 27331-87 «Ёнғин ўчириш техникаси. Ёнғинларнинг таснифи» *(расмий манба: «Пожарная техника. Классификация пожаров»);*

ГОСТ 30379-2017 «Қўриқлаш, ёнғин ва қўриқлаш-ёнғин электрмагнитли сигнализация технологик воситаларининг бир-бирига қўшилувчанлиги. Шовқинбардошликка ва индустриал радиошовқинларга синаш талаблари, нормалари ва усуллари» *(расмий манба: «Совместимость технологических средств охранной, пожарной и охранно-пожарной сигнализации электромагнитная. Требования, норм и методы испытания на помехоустойчивость и индустриальных радиопомех»);*

O‘zDSt 1034:2003 «Оптик-электронли ёнғин тутун хабар бергичлар. Умумий техник талаблар. Синов усуллари» *(расмий манба: «Извещатели пожарные дымовые оптикоэлектронные. Общие технические требования. Методы испытаний»);*

ГОСТ 26952-97 «Ёнғин ўчирадиган кукунлар. Умумий техник талаблар ва синаш усуллари» *(расмий манба: «Порошки огнетушащие. Общие технические требования и методы испытаний»);*

ГОСТ Р 53325-2012 «Ёнғин техникаси. Ёнғин автоматикасининг техник воситалари. Умумий техник талаблар ва синов усуллари» *(расмий манба: «Техника пожарная. Технические средства пожарной автоматики. Общие технические требования и методы испытаний»);*

ГОСТ 5789-78 «Реактивлар. Толуол. Техник шартлар» *(расмий манба: «Толуол. Технические условия»);*

ГОСТ Р 53280.3-2009 «Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари. Ўт ўчириш моддалари. Умумий техник талаблар. Синов усуллари» *(расмий манба: «Установки пожаротушения автоматические. огнетушащие вещества. Общие технические требования и методы испытаний»);*

ГОСТ 6016-77 «Реактивлар. Изобутил спирти. Техник шартлар» *(расмий манба: «Реактивы. Спирт изобутиловый. Технические условия»);*

НРБ-2006, ОСПОРБ-2006 Радиацион хавфсизлик нормалари (РХН-2006) ва радиацион хавфсизликни таъминлашнинг асосий санитария қоидалари (*расмий манба: Нормы радиационной безопасности (НРБ-2006) и основные санитарные правила обеспечения радиационной безопасности*).

2-боб. Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар

2. Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси — ёнғин сигнализацияси тизими ёки қурилманинг ўзида ўрнатилган ёнғинни инсон аралашувисиз аниқловчи техник воситалар орқали қабул қилинган бошқарув сигналидан сўнг ўт ўчириш моддасининг узатилишини (чиқарилишини) ҳамда ёнғин тўғрисидаги сигнални ташқи занжирларга узатиб берилишини таъминловчи ёнғин ўчириш қурилмаси;

аланга ёнғин хабарлагичи — аланганинг ёки чўғланаётган ўчоқнинг электромагнит нурланишга таъсирланувчи мослама;

иссиқлик ёнғин хабарлагичлари — ҳароратнинг маълум бир қийматига ва (ёки) унинг ўсиш тезлигига таъсирланадиган ёнғин хабарлагичлари;

ёнғин сигнализацияси шлейфи — ёнғин хабарлагичлардан тарқатиш қутисигача ёки ёнғин қабул-назорат мосламасигача тортилган уланиш линиялари;

ёнғин қабул-назорат ва бошқарув мосламалари — ёнғин қабул қилиш-назорат мосламаси ва ёнғин бошқарув мосламаси функцияларини ўзида бирлаштирган қурилмалар;

ёнғин сигнализация тизими — ёнғинни аниқлаш, ёнғинлар тўғрисида сигналларни, тизимнинг иш режимлари ҳақида ва бошқа маълумотларни шакллантириш, йиғиш, қайта ишлаш, қайд этиш ва уларни белгиланган шаклда узатиб бериш, ҳамда ёнғиндан ҳимоя қилиш техник воситалари, технологик, электр ва бошқа жиҳозларга (зарур бўлганда) бошқарув сигналларини шакллантириб бериш учун мўлжалланган, ўзаро алоқа қилувчи техник воситалар тўплами;

ёнғин ўчириш станцияси — ёнғин ўчириш қурилмасининг идишлари ва жиҳозлари жойлашган махсус хона**;**

ёнғин сигнализацияси қурилмалари — ёнғинни аниқлаш, ёнғин сигналини ва махсус маълумотларни қайта ишлаш, уларни белгиланган шаклда узатиб бериш ва/ёки ёнғин ўчириш қурилмаларни ва техник мосламаларни ишга туширишга буйруқ шакллантириб бериш учун мўлжалланган техник воситалар тўплами;

ёнғин ўчириш қурилмаси — ўт ўчириш моддасини чиқариш орқали ёнғинни ўчиришга мўлжалланган стационар техник воситалар тўплами;

ёнғин автоматикаси тизими — объектнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган ўзаро алоқа қилувчи ёнғин сигнализацияси, ёнғин тўғрисида хабар бериш, одамларни огоҳлантириш ва эвакуация қилиш, тутунга қарши шамоллатиш тизимлари ҳамда автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва бошқа автоматик ёнғинга қарши ҳимоя техник ускуналари мажмуи;

ёнғин хабарчиси — ёруғлик, товуш, нутқ сигнали (уларнинг комбинацияси) ёки инсоннинг сезги аъзоларига бошқа таъсирлар орқали, одамларга ёнғин ҳақида хабар бериш учун мўлжалланган техник восита;

ёнғин хабарлагичи — ёнғин оқибатида атроф муҳит жисмоний параметрларидаги ўзгаришларни кузатиш орқали ёнғинни аниқлаш ва (ёки) ёнғин ҳақида сигнални шакллантириб бериш учун мўлжалланган техник воситаси;

кечиктириш камераси — босим сигнализатори линиясига ўрнатилган ва сув таъминоти манбаи босимининг кескин ўзгариши туфайли сигнал клапанининг очилишидан келиб чиқадиган сохта ташвиш сигналларни эҳтимолини минималлаштириш учун мўлжалланган мослама;

модулли ёнғин ўчириш қурилмаси — ёнғин ўчириш вазифасини мустақил бажара оладиган бир ёки бир неча модуллардан иборат алоҳида объект (бино, бинонинг

бир қисми ва (ёки) технологик ускуна)ни ўчириш учун мўлжалланган автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси;

найча — ўт ўчириш моддасини чиқариш ва тарқатиш учун мўлжалланган мослама;

сув ёки кўпик сепиш хариталари — спринклерли ёки дренчерли пуркагичларни ўрнатилаётган бино ва иншоотларнинг хоналарида жойлашув хариталари;

ўт ўчириш моддаси — ёнишни тўхтатиш учун шароит яратишга имкон берадиган физик-кимёвий хусусиятларга эга модда;

қўл ёнғин хабарлагичлари — қўл орқали ёнғин ҳақида сигнални шакллантириб берадиган ёнғин хабарлагичлари.

3. Ушбу ШНҚда қуйидаги шартли белгиланишлар ва қисқартмалар қўлланилган:

Г-ЁЎҚ — газли ёнғин ўчириш қурилмалари;

АЁЎҚ — автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари;

К-АЁЎҚ — кукунли автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари;

С-АЁЎҚ — спринклерли автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари;

Д-АЁЎҚ — дренчерли автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари;

ЁС — ёнувчан суюқлик;

ГЎЎМ — газли ўт ўчириш моддаси;

ЕАС — енгил алангаланувчи суюқлик;

ХБЭБТ — хабар бериш эвакуацияни бошқариш тизими;

ТҲ — техник ҳужжат;

ЁСТ — ёнғин сигнализация тизимлари.

3-боб. Умумий қоидалар

4. Автоматик ёнғин сигнализацияси ва ёнғин ўчириш қурилмалари билан ҳимоя қилинадиган бино, иншоот, хона ва жиҳозларнинг рўйхати мазкур ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ бўлиши лозим.

АЁЎҚ ва ЁСТ орқали ҳимоя қилинадиган бино ва иншоотлар ҳамда уларнинг хоналарини ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятига кўра ўт ўчириш моддалардан фойдаланиш имконияти ва шартларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш керак.

Ҳавода портловчи муҳит ҳосил бўлмаса, «С» синфидаги ёнғинларни автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан ўчиришга йўл қўйилади.

5. Ёнғин ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларининг шартли графикли белгилари ГОСТ 28130-89 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари бир вақтнинг ўзида автоматик ёнғин сигнализацияси функцияларини ҳам бажариши керак.

Автоматик ёнғин ўчириш қурилмасининг тури, ўчириш усули, ўт ўчириш моддаси ёнғин хавфини ва ишлаб чиқариладиган, сақланадиган ҳамда фойдаланиладиган моддалар, материалларнинг физик-кимёвий, шунингдек ҳимояланадиган жиҳозларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш топшириғига асосан белгиланиши лозим.

6. Бино ва иншоотларда ёнғин ўчириш қурилмаларини лойиҳалашда фақат ёнғин сигнализацияси талаб қилинадиган алоҳида хоналар мавжуд бўлса, техник-иқтисодий асослар орқали бу хоналарда автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини лойиҳалашга йўл қўйилади. Бунда, ёнғин ўчирувчи модданинг узатиш тезлигини норматив деб қабул қилиниши, унинг сарфи эса чекланган бўлмаслиги керак.

7. Ёнғин ўчириш қурилмалари ишлаб кетган ҳолатда технологик регламентга ёки ушбу ШНҚнинг талабларига мувофиқ ҳимояланадиган хонада технологик жиҳозни ўчириш учун сигнал берилиши лозим.

8. Бино ва иншоотларнинг автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ҳамда ёнғин сигнализацияси тизимлари лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ аниқланиши лозим.

4-боб. Сув, паст ва ўрта карраликдаги кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари

1-§. Умумий қоидалар

9. Сувли ва кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари ГОСТ 28130-89 га мувофиқ бажарилиши керак.

10. Ёнғин ўчириш қурилмаларининг параметрлари мазкур ШНҚнинг 2-иловасидаги 1 — 3-жадвалларга мувофиқ аниқланиши лозим.

11. Сув, паст ва ўрта карраликдаги кўпик ҳосил қилувчи ҳамда намлантирувчи восита билан аралашган сувли ёнғин ўчириш қурилмалари С-АЁЎҚ ва Д-АЁЎҚ бўлиши керак.

12. Ўт ўчириш моддаси сифатида сувга аралаштириб намлантирувчи восита қўлланилганда, майдон учун ҳисобланадиган қурилмаларнинг сув сарфи ва иш вақти мазкур ШНҚнинг 1-жадвалига мувофиқ сувли ёнғин ўчириш қурилмалари каби ҳисобланиши лозим.

13. Кучланиш остидаги очиқ изоляцияланмаган электр токини ўтказувчи қисмларга эга бўлган хоналар учун сувли ва кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалар ўрнатилганда, улардан чиққан ўт ўчириш моддаси ёнғин ўчоғига етказиб берилгунга қадар, ушбу хоналарда электр таъминоти автоматик тарзда ўчирилиши лозим.

14. Технологик жиҳозлар ва техник майдончалари мавжуд хоналарда автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари (К-АЁЎҚ, С-АЁЎҚ ва Д-АЁЎҚ)ни ўрнатишда қуйидагилар инобатга олиниши керак:

эни ёки кесим диаметри 0,75 m дан ортиқ бўлган, юза текислигидан 0,7 m дан баландликда жойлашган горизонтал ва ётиқ шамоллатиш каналлари;

автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларига ҳимоя майдонига суюқлик, кўпикларни сепишига тўсқинлик қилса, бунда майдонча ва қути остига қўшимча равишда қўзғатиш тизими билан жиҳозланган спринклер ёки дренчер пуркагичлар ўрнатиш.

15. Спринклерли ёки дренчерли пуркагичлар мазкур ШНҚнинг 1-жадвали талабларига мувофиқ ва уларнинг техник тавсифлари ҳамда сув ёки кўпик сепиш хариталарини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши лозим.

16. Ёнғин ўчириш қурилмаларида қўлланадиган арматураларни беркитиш мосламаларининг турлари (зулфинлар) ҳолатини («ёпиқ», «очиқ») кўз орқали (визуал) назорат қилиш имконияти таъминланиши керак.

Беркитиш мосламаси ҳолатини датчиклар орқали назорат қилишга йўл қўйилади.

17. Пуркагичларни ўрнатиш ва уларнинг техник тавсифлари, сув ёки кўпик сепиш хариталари қуйидаги 1-жадвалга мувофиқ бўлиши лозим.

1-жадвал

Хоналар гуруҳи	Сепиш жадаллиги, l/(cm^2), кам эмас		Битта спринклер пуркагичи ёки ундовчи тизимидаги иссиқлик қулфи томонидан назорат қилинадиган максимал майдон m^2	Сув сарфини, кўпик ҳосил қилувчи моддаси ҳамда эритмасини ҳисоблаш учун майдон, m^2	Сувли ёнғин ўчириш қурилмалари ишлашининг давомийлиги, min	Спринклер пуркагичлар ёки енгил эрувчан қулфлар орасидаги максимал масофа, m
	Сув билан	Кўпик ҳосил қилувчи модда билан				
1	0,08	-	12	120	30	4
2	0,12	0,08	12	240	60	4
3	0,24	0,12	12	240	60	4
4.1	0,3	0,15	12	360	60	4
4.2	-	0,17	9	360	60	3
5	2-жадвал бўйича		9	180	60	3
6	2-жадвал бўйича		9	180	60	3
7	2-жадвал бўйича		9	180	-	3

Изоҳлар:

1. Хоналарни дренчер қурилмалари билан жиҳозлашда сув сарфининг миқдори, кўпик ҳосил қилувчи модда ва бир вақтнинг ўзида ишлаётган секциялар сонини ҳисоблаш учун майдон технологик талабларни инобатга олган ҳолда аниқланиши керак.

2. Паст ва ўрта карраликдаги кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларининг ишлаш давомийлигини қуйидагича қабул қилиш лозим:

портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича «А», «Б», «В1» тоифали хоналар учун — 15 min;

портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича «В2» ва «В3» тоифали хоналар учун — 10 min.

3. Ёнғин ўчириш қурилмаларида ўт ўчириш воситаси сифатида умумий мақсадли, кўпик ҳосил қилувчи моддага асосланган намловчи восита қўшилган сув ишлатилганда, сув ёки кўпик сепиш жадаллиги сувли ёнғин ўчириш қурилмаларга нисбатдан 1,5 баравар кам олиниши керак.

4. С-АЁҲҚ лар учун суғориш жадаллигининг ҳамда сув ва кўпик ҳосил қилувчи модданинг сарф қилиш учун майдон қийматлари баландлиги 10 т гача бўлган шунингдек, ёруғлик фонарларининг умумий майдонининг 10 фоиздан ортиқ бўлмаган майдонидаги фонарли хоналар учун келтирилган.

Фонарларнинг майдони 10 фоиздан ортиқ бўлганда, уларнинг баландлигини фонар том қопламасигача олиниши керак. Баландлиги 10 т дан 20 т гача бўлган хоналар учун қурилманинг белгиланган параметрлари мазкур ШНҚнинг 3-жадвалидан олиниши керак.

5. Сувли ва кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари билан ҳимояланадиган майдон ушбу жадвалда келтирилган сув сарфини ҳисоблаш майдонидан кам бўлса, ёнғин ўчириш қурилмаси учун сув ёки кўпик ҳосил қилувчи эритмасининг сарфи, ҳақиқий майдондан келиб чиққан ҳолда аниқланиши лозим.

18. Омборхоналарда сақланадиган материалларни тахланиш баландликларига кўра сув ёки кўпик сепиш жадалликларининг кўрсаткичлари қуйидаги 2-жадвалга мувофиқ олиниши керак.

2-жадвал

Омборхоналарда сақланадиган материалларни тахланиш баландлиги, m	**Хоналар гуруҳи**					
	5		**6**		**7**	
	Сепиш жадаллиги, l /(cm^2), кам эмас					
	сув билан	**кўпик ҳосил қилувчи эритма билан**	**сув билан**	**кўпик ҳосил қилувчи эритма билан**	**сув билан**	**кўпик ҳосил қилувчи эритма билан**
1 гача	0,08	0,04	0,16	0,08	-	0,1
1 дан юқори 2 гача	0,16	0,08	0,32	0,2	-	0,2
2 дан юқори 3 гача	0,24	0,12	0,4	0,24	-	0,3
3 дан юқори 4 гача	0,32	0,16	0,4	0,32	-	0,4
4 дан юқори 5,5 гача	0,4	0,32	0,5	0,4	-	0,4

Изоҳлар:

1. 6-гуруҳда резина, резина техник маҳсулотларни (РТМ), каучук ва смолаларни сувга аралашган намловчи восита ёки паст каррали кўпик билан ўчиришга йўл қўйилади.

2. Омборхоналарда сақланадиган материалларни тахланиш баландлиги 5,5 т гача ва хона баландлиги 10 т дан ортиқ бўлган омборлар учун 5 — 7 гуруҳлардаги сув ва кўпик ҳосил қилувчи эритмасининг сарфининг майдони ҳамда жадаллик қийматлари хона баландлигининг ҳар 2 т учун 10 фоизга оширилиши керак.

3. Умумий мақсадли кўпик ҳосил қилувчи эритмаси билан сув ёки кўпик сепиш жадаллиги мазкур жадвалда келтирилганидек бўлиши лозим.

2-§. С-АЁЎҚлар

19. Сувли ва кўпикли ёнғин ўчиришнинг С-АЁЎҚ лари хоналардаги ҳаво ҳароратини инобатга олиб қуйидагича лойиҳалаштириши лозим:

сув билан тўлдирилган — ҳавонинг минимал ҳарорати 5°С ва ундан юқори бўлган хоналар учун;

ҳаво билан тўлдирилган — биноларнинг 5°С дан паст бўлган минимал ҳароратли иситилмайдиган хоналари учун.

20. Баландлиги 20 m дан ортиқ бўлмаган хоналар учун С-АЁЎҚ ларни лойиҳалаштириш лозим (бино ва иншоотлар том ёпмаларининг конструктив элементларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган қурилмалар бундан мустасно).

20 m дан ортиқ бўлган хоналар учун қурилмаларнинг параметрларини мазкур ШНҚнинг 1-жадвалига мувофиқ хоналарнинг 1-гуруҳи бўйича қабул қилиш керак.

21. С-АЁЎҚ нинг бир секцияси учун 800 тадан ортиқ бўлмаган барча турдаги спринклерли пуркагичлар қўлланилиши лозим.

Ҳаво қурилмаларининг ҳар бир секциясидаги қувур ўтказгичларнинг умумий идиши 3 m^3 дан ошмаслиги керак.

Спринклер қурилманинг ҳар бир секцияси мустақил бошқарув уламага эга бўлиши лозим.

3-жадвал

Хоналарнинг баландлиги, m	Хоналар гуруҳи													
	1	2		3		4		5		1	2	3	4	5
	Суғориш интенсивлиги, l/(sm^2) кам эмас									сув, кўпик ҳосил қилувчи эритма сарфини ҳисоблаш учун майдон, m^2				
	сув билан	сув билан	кўпик ҳосил қилувчи эритма билан	сув билан	кўпик ҳосил қилувчи эритма билан	сув билан	кўпик ҳосил қилувчи эритма билан	сув билан	кўпик ҳосил қилувчи эритма билан					
10 дан 12 гача	0,09	0,13	0,09	0,26	0,13	0,33	0,17	-	0,20	132	264	264	396	475
12 дан юқори 14 гача	0,1	0,14	0,1	0,29	0,14	0,36	0,18	-	0,22	144	288	288	432	518
14 дан юқори 16 гача	0,11	0,16	0,11	0,31	0,16	0,39	0,2	-	0,25	156	312	312	460	552
16 дан юқори 18 гача	0,12	0,17	0,12	0,34	0,17	0,42	0,21	-	0,27	166	336	336	504	605
18 дан юқори 20 гача	0,13	0,18	0,13	0,36	0,18	0,45	0,23	-	0,30	180	360	360	540	650

Изоҳлар:

1. Умумий мақсадли кўпик ҳосил қилувчи эритма билан сепиш жадаллиги мазкур жадвалда келтирилганидек қабул қилиниши лозим.

2. Акселераторлар билан жиҳозланган бошқариш узелидан фойдаланилганда, ҳаволи қурилмалардаги қувур ўтказгичларнинг идиши 4,0 m^3 гача оширилишига йўл қўйилади.

3. Битта спринклерли секция билан бинонинг бир нечта қаватлари ёки хоналари ҳимоя қилинганда, ёнғин чиққан манзилни аниқлаштирувчи сигнални бериш, шунингдек хабарлагич ва тутунга қарши ҳимоя тизимларини ишга тушириш учун тўйдирувчи қувур ўтказгичларига суюқлик оқими сигнализаторларини ўрнатишга йўл қўйилади (шлейфли қувур ўтказгичлар бундан мустасно).

4. Суюқлик оқими сигнализаторидан олдин беркитиш арматурасини ўрнатишга йўл қўйилади.

22. Спринклерли пуркагичлар пол сатҳи бўйлаб бир хил сув ёки кўпик сепишни таъминлаши ҳамда ёнғин хавфлилиги бўйича «К0» ва «К1» синфидаги тўсинли томёпмалари (қопламалари) бўлган биноларда бўртиб чиқадиган қисмларининг баландлиги 0,32 m дан, бўртиб чиқмаганда эса 0,2 m дан ортиқ бўлганда, тўсинлар, плиталарнинг қовурғалари ва томёпманинг (қопламанинг) бошқа бўртиб чиқадиган элементлари орасига ўрнатилиши керак.

23. Спринклерли пуркагичларнинг розеткасидан томёпма (қоплама)нинг текислигигача бўлган масофа 0,08 m дан 0,4 м гача бўлиши лозим.

Ўзининг ўқига нисбатан горизонтал ҳолатда ўрнатилган спринклер пуркагичнинг қайтаргичидан, томёпма (қоплама) текислигигача бўлган масофа 0,07 m дан 0,15 m гача бўлиши керак.

Пуркагичларни яширин ҳолатда ёки осма шифтлар ичига ўрнатишга йўл қўйилади.

24. Қиялиги 1/3 дан ортиқ бўлган, бир ва икки нишабли томёпмаларига эга бўлган биноларда горизонтал бўйича спринклерли пуркагичлардан деворгача ва томёпмасининг энг юқори қисмигача бўлган масофа ёнғин хавфлилиги бўйича «К0» синфидаги томёпмаларида 1,5 m дан ортиқ бўлмаслиги ва қолган ёнғин хавфи синфига тегишли томёпмаларида эса 0,8 m дан ошиб кетмаслиги лозим.

25. Механик шикастланиш хавфи мавжуд бўлган жойларда спринклерли пуркагичлар махсус ҳимоя панжаралари билан ҳимояланган бўлиши керак.

26. Спринклерли пуркагич розеткалари қуйидагича ўрнатилиши керак:

сув билан тўлдирилган қурилмаларда — вертикал юқорига, пастга ёки горизонтал;

ҳаво билан тўлдирилган қурилмаларда — вертикал юқорига ёки горизонтал ҳолатда.

27. Қурилмаларнинг спринклер пуркагичлари хона ва жиҳозларда ўрнатилаётганда, уларни ишлаб кетиш ҳамда атроф-муҳитнинг ҳароратлари мазкур ШНҚнинг 4-жадвалига мувофиқ ҳисобга олиниши лозим.

28. Ҳимояланадиган хона ичида бир хил диаметрдаги сув чиқариш оғзига эга бўлган спринклерли пуркагичлари ўрнатилиши керак.

4-жадвал

Атроф-муҳит ҳарорати, °С	**Ишлаб кетиш ҳарорати, °С**
38 гача	57
39 дан 50 гача (50 ҳам киради)	68-79
51 дан 70 гача (70 ҳам киради)	93
71 дан 100 гача (100 ҳам киради)	141
101 дан ва 140 гача (140 ҳам киради)	182
141 дан 200 гача (200 ҳам киради)	240
201 дан 220 гача (220 ҳам киради)	260
221дан 300 гача (300 ҳам киради)	343

29. Ёнғин хавфлилиги «К1» синфидаги деворлар (тўсиқлар) билан спринклер пуркагичлари орасидаги масофа мазкур ШНҚнинг 1-жадвалида келтирилган масофанинг ярмидан ошмаслиги керак.

Ёнғин хавфлилиги синфи нормаланмайдиган деворлар (тўсиқлар) билан спринклер пуркагичлари орасидаги масофа 1,2 m дан ошмаслиги лозим.

Текис ораёпма (қопламалар) остида ўрнатиладиган сувли ёнғин ўчириш қурилмаларининг спринклерли пуркагичлар орасидаги масофа 1,5 m дан кам бўлмаслиги керак.

30. Спринклерли пуркагичларнинг номинал ишлаб кетиш ҳарорати 79°С дан ошмаслиги керак.

Пуркагичларнинг иссиқлик қулфининг номинал ишлаб кетиш ҳароратини танлаш мазкур ШНҚнинг 27-бандига мувофиқ аниқланиши лозим.

3-§. Д-АЁЎҚлари

31. Д-АЁЎҚ ларни лойиҳалаш ишларида уларни автоматик равишда ишга тушириш қуйидаги техник воситаларнинг турларидан сигнал бериш орқали амалга оширишни инобатга олиш керак:

қўзғатувчи тизимлардан;

ёнғин сигнализацияси қурилмаларидан;

технологик жиҳозлар датчикларидан.

32. Сув ёки кўпик ҳосил қилувчи эритма билан тўлдирилган дренчер қурилмаларининг қўзғатувчи қувурларини лойиҳалашда уларни сигнал клапанига нисбатан таъминловчи қувурдаги доимий босимнинг 1/4 қисмидан ортиқ бўлмаган баландликда (m да) ўрнатиш лозим.

33. Функционал жиҳатдан боғлиқ бўлган бир нечта парда ҳосил қиладиган дренчер учун битта бошқариш уламаси бўлишига йўл қўйилади.

34. Дренчерли пардани ишга тушириш автоматик тарзда ёки қўлда (масофадан туриб ёки жойидан) амалга оширилиши керак.

35. Дренчерли парда пуркагичлари орасидаги масофани, сув ёки кўпик ҳосил қилувчи эритманинг сарфини 1 m очиқлик кенглиги учун 1,0 l/s ҳисоблаш орқали аниқланиши лозим.

36. Қўзғатувчи тизимининг иссиқлик қулфидан ораёпма (томёпма) текислигигача бўлган масофа 0,08 m дан 0,4 m гача бўлиши керак.

37. Хона кўпик билан ҳажм усулида, кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаси ёрдамида тўлдирилганлигида, ҳимоя қилинаётган жиҳозларнинг энг юқори нуқтасидан камида 1 m дан кам бўлмаган баландликда тўлдирилиши лозим.

Ҳимоя қилинадиган хонанинг умумий ҳажми аниқланаётганда, хонада ўрнатилган жиҳозларнинг ҳажми ҳимоя қилинаётган ҳажмдан чиқариб ташланмаслиги керак.

4-§. Қурилмаларнинг қувур ўтказгичлари

38. Қувур ўтказгичларни ГОСТ 10704-91 мувофиқ пайвандли ва фланецли, пайвандли, фланецли ва резбали боғламалар билан, шунингдек ажралувчи қувур ўтказгич муфталарини ГОСТ 3262-75 мувофиқ пўлатдан тайёрланган қувурлардан лойиҳалаштириш лозим.

Ажралувчи қувур ўтказгич муфталарини диаметри 200 mm дан ортиқ бўлмаган қувурлар учун қўллашга йўл қўйилади.

Ечилмайдиган осма шифтлар орқасида, ёпиқ штробларда қувур ўтказгичлар ётқизилганда уларни монтажи пайвандлаш йўли билан амалга оширилиши керак.

39. Келтирувчи қувур ўтказгичлар (ташқи ва ички) шлейфли кўринишда лойиҳаланиши лозим.

Бошқарув уламалар уч ва ундан кам бўлганда, келтирувчи қувурларни боши берк ҳолатда лойиҳалашга йўл қўйилади. Бунда, ташқи боши берк қувур ўтказгичларнинг узунлиги 200 m дан ошмаслиги лозим.

40. Шлейфли келтирувчи қувур ўтказгичлар (ташқи ва ички) зулфинлар билан таъмирланадиган қисмларга ажратилиши лозим. Бунда, битта қисмдаги бошқарув уламаларнинг сони учтадан кўп бўлмаслиги керак.

Қувур узаткичларни гидравлик ҳисоблашда таъмирланадиган ҳудудларнинг шлейфли тармоқларга киритилиши ҳисобга олинмаслиги лозим.

Бунда, шлейфли қувур ўтказгичнинг диаметри бошқарув уламаларига бирлашадиган қувур ўтказгичнинг диаметридан кичик бўлмаслиги керак.

41. Сувли ёнғин ўчириш қурилмаларининг келтирувчи (ташқи) ва ёнғинга қарши қувур ўтказгичларининг хўжалик-ичимлик ёки ишлаб чиқариш сув таъминоти тармоқларини умумий бўлишига йўл қўйилади.

42. Ишлаб чиқариш ҳамда санитария-техник жиҳозларни ёнғин ўчириш қурилмаларининг тўйдирувчи қувур ўтказгичларига улашга йўл қўйилмайди.

43. Сув тўлдирилган С-АЁЎҚ ларда диаметри 65 mm ва ундан ортиқ бўлган таъминловчи қувурларга ШНҚ 2.04.01-22 бўйича ўт ўчириш кранларини ўрнатишга йўл қўйилади.

44. Спринклер қурилмаларининг қувур ўтказгичларига уланадиган ички ёнғин ўчириш кранларини ўрнатиш ШНҚ 2.04.01-22 талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак.

45. Ўн икки ва ундан ортиқ ёнғин ўчириш кранлари бўлган спринклер қурилмасининг секциясида иккита кириш жойи бўлиши керак.

Икки ёки ундан ортиқ секцияга эга бўлган спринклерли қурилмалари учун иккинчи кириш зулфин билан туташ секция орқали амалга оширилишига йўл қўйилади.

Бошқарув тугунлари устидаги қўл билан фаоллаштирилувчи зулфинларни ўрнатиш лозим.

Келтирувчи қувур ўтказгичлар шлейфланган ва бошқарув узеллари ўртасида ажратувчи зулфинлар ўрнатилган бўлиши керак.

46. Қурилмаларнинг тақсимловчи қувур ўтказгичларининг бир тармоғида чиқиш диаметри 12 mm гача бўлган, олтитадан кўп бўлмаган пуркагичлар ва чиқиш диаметри 12 mm дан ортиқ бўлган, тўрттадан кўп бўлмаган пуркагичлар ўрнатилиши лозим.

47. Ҳимояланадиган хоналар ичидаги тарқатувчи қувур ўтказгичларда бир хил турдаги пуркагичлар ёки сачраткичлар ўрнатилиши керак.

Ёнғин хавфи даражаси ва ёнғин юкламаси 181 MJ/m^2 дан кўп бўлмаган I-гуруҳга ҳамда ёнғин хавфи даражаси ва ёнғин юкламаси 181 MJ/m^2 дан 1400 MJ/m^2 гача бўлган II-гуруҳга киритилган хоналар учун спринклерли пуркагич ва сачраткичларнинг иссиқлик қулфи диаметри 5 mm дан катта бўлмаган иссиқликка сезгир колба асосидаги синувчан иссиқликка сезгир элемент билан бажарилиши лозим.

48. Спринклерли қурилмаларга тааллуқли тўйдирувчи ва тарқатувчи қувур ўтказгичларига эшик ва технологик тешикларни суғориш учун, дренчер пардаларни ва тўйдирувчи қувур ўтказгичларга қўзғатувчи тизим билан ишга туширадиган дренчерларни улашга йўл қўйилади.

49. Д-АЁЎҚ нинг ундовчи қувур ўтказгичи диаметри 15 mm дан кам бўлмаслиги керак.

50. Боши берк ва ҳалқасимон таъминот қувурлари шартли ўтиш диаметри камида 50 mm бўлган ювиш кранлари ёки тиқинлар билан жиҳозланиши лозим.

Берк қувур ўтказгичларда кран ёки тиқинларни ҳудуд охирида, шлейфли қувур ўтказгичларда эса бошқарув уламаларидан энг чекка нуқтасида ўрнатиш керак.

51. Диаметри 40 mm ва ундан катта бўлган, металлдан тайёрланган ҳамда қувур ўтказгичларга ўрнатилган беркитувчи қурилмалар арматуранинг ишлаши вақтида пайдо бўладиган кучлар узатмаларга ўтмаслиги учун бинонинг қурилиш конструкцияларига мустаҳкам ўрнатилиши лозим.

52. Тўйдирувчи ва тарқатувчи узатмаларга беркитувчи арматура ўрнатилишига йўл қўйилмайди (мазкур ШНҚнинг 19, 39, 43, 45, 47-бандларида келтирилган ҳолатлар бундан мустасно).

Спринклерли қурилмалар қувур ўтказгичларининг юқори нуқталарида ҳаво чиқариш мосламалари сифатида тиқинли кранлар ҳамда хонанинг энг узоқ ва юқори нуқтасида жойлашган пуркагич олдидаги босимни назорат қилиш учун манометр остига кран ўрнатишга йўл қўйилади.

53. Ҳаволи спринклер қурилмаларининг тўйдирувчи ва тарқатувчи қувур ўтказгичлари бошқарув узелига ёки тушиш мосламаларига қуйидаги тенг қиялик билан ётқизилиши керак:

ташқи диаметри 57 mm дан кам бўлган қувурлар учун 0,01 (100 m учун — 1 m нишаб);

ташқи диаметри 57 mm ва ундан ортиқ бўлган қувурлар учун 0,005 (100 m учун — 0,5 m нишаб).

54. Қурилманинг тўйдирувчи қувур ўтказгичларида босимни 1,0 МРа дан ошиб кетишини олдини олиш чораларини кўриш лозим.

55. Сув, паст ва ўрта карраликдаги кўпик ҳосил қилувчи ёнғин ўчириш қурилмаларини ҳисоблаш усули мазкур ШНҚнинг 3-иловасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

5-§. Қувур ўтказгичларни маҳкамлаш

56. Қувур ўтказгичларни маҳкамлаш ва жиҳозларни ўрнатиш ҚМҚ 2.04.04-97, ШНҚ 2.04.11-22 ҳамда ҚР 05.05-23 талабларига мувофиқ амалга ошириш зарур.

57. Қувур ўтказгичлар тутқичлар билан бевосита қурилиш конструкцияларига маҳкамланиши, улардан бошқа конструкциялар учун таянч сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

58. Қувурўтказгичларни бинолардаги технологик қурилмалар конструкцияларига фақат алоҳида ҳоллардагина маҳкамлашга йўл қўйилади. Бунда, технологик қурилмалар конструкцияларига тушадиган юклама маҳкамлаш элементлари учун ҳисобланган юкламадан камида икки баробар кўп бўлиши лозим.

59. Қувурларни маҳкамлаш тугунлари 4 m дан ортиқ бўлмаган масофада кетма-кетликда ўрнатилиши лозим.

Шартли ўтиш диаметри 50 mm дан ортиқ бўлган қувурлар учун маҳкамлаш тугунлари орасидаги масофани 6 m гача оширишга йўл қўйилади.

60. Узунлиги 1 m дан ортиқ бўлган тарқатувчи қувур ўтказгичларида тик (эгри) қувурлар қўшимча тутқичлар билан маҳкамланиши керак.

Тутқичдан тик (эгри) қувурлардаги пуркагичгача бўлган масофа 0,15 m дан кам бўлмаслиги лозим.

61. Шартли ўтиш диаметри 25 mm ва ундан кам бўлган қувур учун тақсимловчи қувур узаткичдаги ушлагичдан охирги пуркагичгача бўлган масофа 0,9 m дан, диаметри 25 mm дан ортиқ бўлса 1,2 m дан ошмаслиги керак.

62. Қурилиш конструкциясининг гилзалари ва тиқинлари орқали қувур ўтказгичларни ётқизишда, қўшимча маҳкамлагичларсиз таянч нуқталари орасидаги масофа 6 m дан ошмаслиги лозим.

6-§. Бошқарув узеллари

63. Бошқарув узелларини лойиҳалашда қуйидагиларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

бошқарув узелларининг ишга тушиши ҳақидаги сигналнитекширишни;

бошқарув узелларидан олдин ва кейин босимни ўлчашни.

64. Бошқарув узелларининг қурилмаларини бошқарув уламалари ҳаво ҳарорати 5°С ва ундан юқори бўлган ва техник хизмат кўрсатувчи ходимларнинг эркин киришини таъминлайдиган насос станциялари, ёнғин постлари ҳамда ҳимояланадиган хоналарга жойлаштирилиши керак.

Ҳимояланадиган хонада жойлашган бошқарув уламалари ушбу хоналардан оловбардошлилик чегараси камида «REI 45» бўлган ёнғинга қарши тўсиқлар ва ораёпмалар ҳамда оловбардошлилик чегараси «EI 30» дан кам бўлмаган эшиклар билан ажратилиши лозим.

Ҳимояланадиган хоналардан ташқарида жойлашган бошқарув уламалар ойнали ёки тўрсимон тўсиқлар билан ажратилиши керак.

65. Сув билан тўлдирилган спринклер қурилмаларининг бошқарув тугунларида (ёнғин ҳақида) ёлғон ишлаб кетиш сигналларини олдини олиш мақсадида, босим сигнализатори олдидан кечиктириш камерасини ўрнатишга йўл қўйилади.

66. Кўпикли С-АЁЎҚ ларни бошқарув узелларига бурама очиш (зулфин)ни бошқарув узелидан юқорида ўрнатишга йўл қўйилади.

7-§. Сув ва кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларининг сув таъминоти

67. Турли вазифаларни бажарувчи сувўтказгичларидан сувли ёнғин ўчириш қурилмаларини сув билан таъминлаш манбаи сифатида фойдаланиш керак.

Сув узатмасининг гидравлик параметрлари (босим кучи, сув сарфи) қурилманинг ҳисобланган параметрларини таъминламаса, бунда босимни ошириш учун насосли станция лойиҳаланиши лозим.

Кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларининг сув таъминоти манбаи ичимлик суви бўлмаган мақсадлар учун мўлжалланган сув қувурлари бўлиши лозим. Бунда, сувнинг сифати қўлланиладиган кўпик ҳосил қилувчи моддаларга оид техник талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Сув олиш пайтида оқимнинг узилишини таъминловчи қурилма мавжуд бўлганда, ичимлик суви қувуридан фойдаланишга йўл қўйилади.

68. Сувли ёнғин ўчириш қурилмалари учун сувнинг ҳисобий миқдори сувўтказгичларнинг қувур ўтказгичлари идишларида сақланиши, бунда улардаги сув бошқа эҳтиёжлар учун сарфланишига йўл қўйилмайди.

69. Сувли ёнғин ўчириш қурилмалари учун қувур ўтказгичлар идишининг ҳажмини аниқлашда, ёнғинни ўчиришнинг бутун вақти давомида уларни автоматик равишда сув билан тўлдириш имкониятини ҳисобга олиш керак.

70. Сувнинг ҳажми 1000 m^3 ёки ундан кам бўлганда, сувни битта идишда сақлашга йўл қўйилади.

71. Кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари учун кўпик ҳосил қилувчи модданинг 100 фоиз захираси (ҳисобланган дан ташқари) бўлиши лозим.

72. Кўпик ҳосил қилувчи модданинг сақлаш шароитлари маҳсулотнинг техник йўриқномаси талабларига мувофиқ бўлиши керак.

73. Кўпик ҳосил қилувчи модданинг тайёр аралашмасини аралаштириш учун идишда сақлашда, унинг периметри бўйлаб ундаги ҳисобланган сув сатҳидан 0,1 m пастроқда ётқизилган тешикли қувур узаткич бўлиши лозим.

74. Кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари учун кўпик ҳосил қилувчи модданинг миқдорини аниқлашда ёнғин ўчириш қурилмаси қувур ўтказгичларининг идишлари сонини ҳам ҳисобга олиш керак.

75. Сувли ва кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари учун ўт ўчириш моддасининг ҳисобий миқдори учун максимал тикланиш муддати ШНҚ 2.04.02-19 талабларига мувофиқ олиниши лозим.

76. Спринклер ва дренчер қурилмаларида автоматик сув тўйдирувчи сув (камида 0,5 m^3) ва сиқилган ҳаво билан тўлдирилган идиш бўлиши керак.

Автоматик сув тўйинтирувчи сифатида қуйидагича сув қувурларидан фойдаланишга йўл қўйилади:

ҳажми камида 40 l бўлган;

оралиқ мембрана идишига эга бўлган;

таъминлаб турувчи насос ёки турли мақсадлар учун мўлжалланган бошқарув узелларини ишга туширишни таъминловчи;

кафолатланган босимга эга бўлган.

77. Қўлда ишга тушириладиган, ички ёнув двигателидан ишлайдиган ҳамда эҳтиёт захирасидаги ёнғин насоси бўлган ёнғин ўчириш қурилмаларида 10 min давомида ўт ўчириш моддасининг ҳисобий истеъмоли (сарфи) билан қурилманинг ишлашини таъминлаш учун автоматик сув тўйинтирувчи ускуна бўлиши керак.

78. Асосий насослар ёқилганда автоматик сув тўйинтирувчи ўчирилиши лозим.

79. Баландлиги 30 m дан ортиқ бўлган биноларда ёрдамчи сув тўйинтирувчини юқори техник қаватларга жойлаштиришга йўл қўйилади.

80. Ер ости иншоотларида ёнғин содир бўлганда, сувни чиқариб ташлаш учун ускуналар бўлиши керак.

81. Кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларида уларни синаб кўришда ёки қувур ўтказгичларни таъмирлашда, улардан кўпик ҳосил қилувчи моддани махсус идишга тўплаш лозим.

8-§. Ёнғин ўчириш насос станциялари

82. ШНҚ 2.04.02-19 талабларига мувофиқ автоматик ёнғин ўчириш насос станцияларининг сув узатишни таъминланганлик даражаси бўйича 1-тоифага тегишли бўлиши керак.

83. Ёнғин ўчириш насос станциялари биноларнинг (турар жой объектлари бундан мустасно) алоҳида хоналарида биринчи, ярим ертўла (цокол) ёки ертўла қаватларида жойлаштирилиши ҳамда алоҳида ташқарига чиқиш йўлига ёки ташқарига олиб чиқувчи зина катагига эга бўлиши керак.

84. Ёнғин ўчириш насос станцияларини алоҳида ёки қўшимча (ёнма-ёнма қурилган) биноларда жойлаштиришга йўл қўйилади.

Ёнғин ўчириш насос станцияларининг хонаси бошқа хоналардан оловбардошлилик чегараси «REI 45» бўлган ёнғинга қарши ораёпмалар ва тўсиқлар билан ажратилган бўлиши керак.

Ёнғин ўчириш насос станцияларининг хоналарида ҳаво ҳарорати 5 дан 35°С гача, нисбий намлиги эса 25°С да 80 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим.

Ишчи ва фавқулодда ёритиш ШНҚ 2.01.05-24 талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ёнғин ўчириш насос станциялари хонаси телефон алоқаси воситалари билан жиҳозланган ёнғин назорати пости хонасига уланган бўлиши лозим.

Ёнғин ўчириш насос станциялари хонасига кириш жойининг тепасида «Ёнғинни ўчириш насос станцияси» деб ёзилган нурли (электрон) табло ўрнатилиши ва фавқулодда ёритиш тармоғига уланиши керак.

85. Ёнғин ўчириш насос станциялари хоналарида жиҳозларни жойлаштириш ШНҚ 2.04.02-19 талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

86. Ёнғин ўчириш насос станциялари кўчма ёнғин ўчириш техникасига улаш учун насос станцияси хонасидан ташқарига чиқарилган қувур ўтказгичларнинг ташқи қисми улаш каллаклари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Қувур ўтказгичлар ёнғин ўчириш қурилмаларининг етакчи секцияларини энг катта ҳисобланган сарф билан таъминлаши керак.

Ташқаридаги улаш каллаклари бир вақтнинг ўзида камида иккита ёнғин-қутқарув техникаларини улаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши лозим.

87. Ёнғин ўчириш насос станциясида камида иккита ёнғин ўчириш, дозатор насослари (битта захира) бўлиши керак.

88. Идишни ўт ўчирувчи модда билан тўлдириб турувчи қувур ўтказгичларга ўрнатиладиган зулфинлар насос станцияси хонасида ўрнатилиши лозим.

89. Идишларда (идишларда) ўт ўчириш моддасининг даражасини кўз билан (визуал) назорат қилиш учун ўлчов таёғи бўлган назорат-ўлчаш ускуналари насос станцияси хонасида жойлаштирилиши керак.

5-боб. Юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари

1-§. Қурилмаларнинг таснифлари

90. Юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари ГОСТ 27331-87 га мувофиқ «А2» ва «В» синфидаги ҳажмли ва маҳаллий (локал) ёнғинларни ўчириш учун қўлланилиши лозим.

91. Юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари хоналарни тўлиқ ҳимоя қилишда, қурилмалардан фойдаланиш техник жиҳатдан имконсиз ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда алоҳида агрегатлар ёки жиҳозлардаги ёнғинларини ўчириш учун ўрнатилиши керак.

92. Ҳимоя қилинаётган биноларга таъсири бўйича юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари қуйидаги таснифларга бўлиниши лозим:

ҳажм бўйича ёнғин ўчириш қурилмалари;

ҳажм бўйича маҳаллий ёнғин ўчириш қурилмалари.

Ҳажм бўйича ёнғин ўчириш қурилмалари қуйидагича жойлаштирилиши керак:

генераторлар хона шифтининг орқасига унинг юзаси бўйича бир текис тақсимланиб, тўсилган жойларни ҳам киритган ҳолда хона бутун ҳажмининг кўпик билан тўлдирилишини таъминлаган ҳолда;

генераторлар хонанинг бевосита ҳимоя қилинаётган ҳудуди ёки технологик бирлик устига.

Ҳажм бўйича ёнғин ўчириш қурилмаларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар қуйидагилардан ташкил топиши лозим:

ёнғин ўчириш қурилмаси билан ҳимояланиши керак бўлган хоналар рўйхати, асосий пол сатҳининг устига ўрнатиладиган мустаҳкам асосли қўшимча пол қоплама (фальшпол)лар ва осма шифтлар бўшлиқларининг мавжудлиги тўғрисидаги;

бир вақтнинг ўзида ёнғин ўчириш қурилмаси билан ҳимояланиши керак бўлган хоналар (йўналишлар) сони;

хонанинг геометрик параметрлари (хона конфигурацияси, тўсувчи конструкцияларнинг узунлиги, кенглиги ва баландлиги);

ораёпмаларининг тузилиши ва муҳандислик коммуникацияларининг жойлашуви;

тўсувчи конструкцияларда доимо очиқ бўлган тешиклар майдони ва уларнинг жойлашуви;

ҳимояланадиган хонадаги рухсат этилган максимал босим тўғрисидаги;

ҳимояланадиган хонада ва қурилманинг таркибий қисмлари жойлашган хонадаги ҳарорат, босим ва намлик диапазони;

хонадаги моддалар ва материалларнинг ёнғин хавфи рўйхати, кўрсаткичлари ва ГОСТ 27331-87 бўйича тегишли ёнғин синфи;

ёнғин юкини тақсимлаш тури, ҳажми ва схемаси;

шамоллатиш, кондиционерлаш, ҳаво иситиш тизимларининг мавжудлиги;

технологик жиҳозларнинг тавсифлари;

хоналар тоифаси — электр қурилмаларни ўрнатиш қоидалари бўйича тасдиқланган нормалар ва зоналар синфлари бўйича;

хонадаги одамларнинг мавжудлиги ва уларни эвакуация қилиш йўллари.

93. Ҳажм бўйича маҳаллий ёнғин ўчириш қурилмалари ҳажми бўйича ёнғин ўчириш қурилмаларидан фойдаланиш техник жиҳатдан имконсиз ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда алоҳида агрегатлар ёки ускуналарнинг ёнғинини ўчириш учун ишлатилиши лозим.

94. Ҳажм бўйича маҳаллий ёнғинни ўчиришнинг ҳисобий ҳажми ҳимояланадиган агрегат ёки ускунанинг баландлигини пол юзасидаги проекция майдонига кўпайтириш орқали аниқланиши, бунда агрегат ёки ускунанинг барча ҳисобий ўлчамлари (узунлиги, кенглиги ва баландлиги) 1 m га оширилиши лозим.

95. Ҳажм бўйича маҳаллий ёнғинни ўчириш учун карбонат ангидриддан фойдаланиш керак.

96. Карбонат ангидрид билан ҳажм бўйича маҳаллий ёнғинни ўчиришда норматив массали ёнғин ўчириш концентрацияси 6 кг/m^3 ташкил этиши лозим.

97. Ҳажм бўйича маҳаллий ёнғин ўчиришда ГЎЎМни етказиб бериш вақти 30 s дан ошмаслиги керак.

2-§. Юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларини лойиҳалаштириш

98. Юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларида фақат юқори карраликдаги кўпикларни олиш учун мўлжалланган махсус кўпик ҳосил қилувчи моддалардан фойдаланиш лозим.

99. Юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари ҳимоя қилинаётган ҳажмни, унинг энг баланд нуқтасидан камида 1 m дан ошадиган баландликкача 10 min дан кўп бўлмаган вақт давомида кўпик билан тўлдирилишини таъминлаши керак.

100. Юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларининг инерционлиги 180 s дан ошмаслиги шартидан келиб чиқиб жиҳоз ҳамда қувур ўтказгичларни узунлиги ва диаметрини танлаш лозим.

101. Юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларининг кўпик ҳосил қилувчи моддасининг миқдори ҳимоя қилинаётган хоналарнинг ҳисобий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда мазкур ШНҚнинг 4-иловасига мувофиқ аниқланиши керак.

Агар қурилма бир неча хоналарда қўлланилаётган бўлса, ҳимоя қилиш учун энг катта миқдордаги кўпик ҳосил қилувчи моддани талаб қиладиган хона ҳисобий хона сифатида қабул қилиниши лозим.

102. Ҳажм бўйича маҳаллий (локал) ёнғин ўчириш учун қурилмаларни қўллашда ҳимоя қилинаётган агрегатлар ёки ускуналар катакчасининг ўлчами 5 mm дан кичик бўлмаган металл тўр билан тўсилиши керак.

Тўсувчи конструкциянинг баландлиги ҳимоя қилинаётган агрегат ёки жиҳознинг баландлигидан камида 1 m га баландроқ бўлиши ва ундан 0,5 m дан кам бўлмаган масофада жойлашиши лозим.

103. Ҳажм бўйича маҳаллий (локал) ёнғин ўчириш ҳажми агрегатни ёки ускунани тўсувчи конструкция асосининг юзасини шу конструкция баландлигига кўпайтириш билан аниқланиши керак.

Ёнғинни маҳаллий (локал) ўчиришда ҳимоя қилинаётган ҳажмни тўлдириш вақти 3 min дан ошмаслиги лозим.

104. Юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларини таъминловчи қувур ўтказгичларга пуркагичдан олдинда ўрнатиладиган фильтрловчи элементлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Фильтрловчи катакчанинг ўлчами пуркагичдаги оқизиш каналининг минимал ўлчамидан кичик бўлиши керак.

105. Битта хонада фақат бир хил турдаги ва конструкциядаги кўпикли генераторлардан фойдаланиш керак.

Кўпик генераторлари сони ҳисоблаш йўли билан аниқланиши ҳамда камида иккита қабул қилиниши лозим.

106. Кўпик генераторлари механик шикастланиш мумкин бўлган жойларда ўрнатилган бўлса, уларнинг ҳимояси кўзда тутилган бўлиши керак.

107. Юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларида ҳисобланган миқдорга қўшимча равишда кўпик ҳосил қилувчи модданинг 100 фоизли захираси бўлиши керак.

108. Насос станцияларини, юқори каррали кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларнинг сув таъминотини, қувур ўтказгичларни лойиҳалаш ва уларни маҳкамлашда мазкур ШНҚнинг 6-иловаси талабларига амал қилиш лозим.

Қувур ўтказгичларни ГОСТ 3262-75 га мувофиқ руҳ қопланган пўлат қувурлардан лойиҳалаш керак.

3-§. Ҳавони мажбурий равишда узатувчи генераторларга эга бўлган қурилмалар

109. Кўпик генераторлари насос станциясида ёки бевосита ҳимояланадиган хонада жойлаштирилиши, бунда кўпик ҳимояланадиган хонага тўғридан-тўғри генераторнинг чиқиш қисқа қувуридан (патрубкасидан) ёки диаметри генераторнинг чиқиш қисқа қувурининг диаметридан кам бўлмаган, узунлиги эса 10 m дан ошмайдиган махсус каналлар орқали узатилиши лозим.

110. Кўпикни етказиб бериш каналлари ёнғин хавфлилиги бўйича «К0» синфига мос келиши керак.

111. Кўпик келиб тушганда ҳимоя қилинадиган хоналарнинг юқори қисмида ҳавони чиқариб юбориш мосламаси бўлиши лозим.

112. Ҳимояланадиган хоналарнинг майдони 400 m^2 дан ошса, кўпикни хоналарнинг қарама-қарши қисмларида жойлашган камида иккита жойдан амалга ошириш зарур.

6-боб. Майда пуркаланадиган сувли ёнғин ўчириш қурилмалари

113. Майда пуркаланадиган сувли ёнғин ўчириш қурилмалари ГОСТ 27331-87 га мувофиқ «А», «В» синфидаги ёнғин ўчоғларини юза бўйича ҳажмли ва маҳаллий (локал) ўчириш учун қўлланилиши лозим.

114. Қурилмаларнинг бажарилиши техник йўриқномаларга мувофиқ бўлиши керак.

115. Чўкиндилар ҳосил қиладиган ёки узоқ муддат сақланганда фазаларга ажралиб кетадиган қўшимчалар қўшилган сув ишлатилганда, қурилмаларда уни аралаштириш учун махсус мосламалар бўлиши лозим.

116. Пуркагичларнинг чиқиш жойлари ички ва ташқи муҳитнинг ифлослантирувчи омилларидан ҳимояланган бўлиши керак.

Ҳимоя чоралари, ускуналар, мосламалар (ички юзаларга ишлов бериш, филтрлар, тўрлар, декоратив қобиқлар, қопқоқлар) қурилманинг ишлаш параметрларини бузмаслиги лозим.

117. Майда пуркаланадиган сувли ёнғин ўчириш қурилмаларининг қувур ўтказгичлари рухланган ва зангламайдиган пўлатдан тайёрланган бўлиши керак.

118. Майда пуркаланадиган сувли ёнғин ўчириш қурилмаларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш ишларида ишлаб чиқарувчи корхонанинг техник тавсияларини инобатга олиш лозим.

7-боб. Г-ЁЎҚ

1-§. Умумий қоидалар

119. Г-ЁЎҚ лар ГОСТ 27331-87 га мувофиқ «А», «В», «С» синфларининг ва электр жиҳозлари (ишлатиладиган ГЎЎМ учун ТҲда келтирилганидан ошмайдиган кучланишли электр қурилмалари)нинг ёнғинларини бартараф этиш учун ишлатилиши керак.

Бунда, Г-ЁЎҚ лардан қуйидаги ёнғинларни ўчиришда фойдаланишга йўл қўйилмайди:

модданинг ҳажми ичида ўз-ўзидан ёниши ва туташга мойил бўлган толали, сочилувчан, ғовакли ва бошқа ёнувчан материаллар (ёғоч қипиқлари, пахта);

кимёвий моддалар ва уларнинг аралашмалари, ҳаво таъсирисиз ёниш ва туташга мойил бўлган полимер материаллар;

металл гидридлари ва пирофор моддалари;

металл кукунлари (натрий, калий, магний, титан) ёнғинларини.

120. Ҳажм бўйича ёнғинни ўчириш қурилмалари (азотли ва аргонли ёнғинни ўчириш қурилмалари бундан мустасно) ушбу ШНҚнинг 5-иловасидаги 12-жадвалида келтирилган қийматлардан ошмайдиган герметиклик параметрига эга бўлган стационар тўсиқ конструкцияли хоналарни (жиҳозларни) ҳимоя қилиш учун қўлланилиши лозим.

Азотли ва аргонли ёнғин ўчириш қурилмалари учун герметик бўлмаган параметри 0,001 m^{-1} дан ошмаслиги керак.

121. Ҳимояланадиган хонанинг ҳажмини туташ зоналарга (фальшпол, фальшшифт ва бошқалар) бўлишда, герметик бўлмаган параметри ҳар бир зона учун белгиланган қийматлардан ошмаслиги керак.

Герметик бўлмаган параметри агар бир вақтнинг ўзида газли ўт ўчириш моддаларини етказиб беришни таъминласа, туташ зоналар орасидаги тўсувчи юзалардаги тешикларни ҳисобга олмасдан аниқланиши лозим.

122. Герметик бўлмаган параметрининг катта қийматлари бўлган хоналарни ҳимоя қилиш учун ҳажм бўйича ёнғин ўчириш қурилмаларини лойиҳалаш маълум бир бино-иншоот учун ишлаб чиқилган техник талабларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

2-§. Газли ёнғин ўчириш қурилмаларнинг таснифи ва таркиби

123. Газли ёнғин ўчириш қурилмалари қуйидаги усуллар бўйича ажратилиши лозим:

ўчириш усули бўйича: ҳажмлий ўчириш, ҳажми бўйича маҳаллий ўчириш;

газли ўт ўчириш моддасини сақлаш усули бўйича: марказлашган, модулли;

ишга тушириш импульсидан ёқиш усули бўйича: электр, пневматик, механик ишга тушириш ёки уларнинг комбинацияси билан.

124. Г-ЁЎҚ учун ёқиш (ишга тушириш)нинг қуйидаги турлари назарда тутилиши лозим:

автоматик;

масофавий;

маҳаллий.

125. Газли ёнғин ўчириш қурилмаларнинг технологик қисми газли ўт ўчириш моддаси билан тўлдирилган идишлар, қувур ўтказгичлар ва найчалар ҳамда қурилманинг технологик қисмини қўзғатиш тизимларини ўз ичига олиши керак.

126. Газли ёнғин ўчириш қурилмаларида мазкур ШНҚнинг 6-жадвалида келтирилган ГЎЎМлар қўлланилиши лозим.

127. Сиқиб чиқарувчи газ сифатида ҳаво ёки азотдан фойдаланилиш лозим. Бунда, ўсиш нуқтаси минус 40ºС дан юқори бўлмаслиги керак.

6-жадвал

Суюлтирилган газлар	**Сиқилган газлар**
Карбон диоксиди (CO_2)	Азот (N_2)
Хладон 23 (CF_3H)	Аргон (Ar)
Хладон 125 (C_2F_5H)	Инерген:
Хладон 218 (C_3F_8)	Азот — 52 фоиз (умумий)
Хладон 227еа (C_3F_7H)	Аргон — 40 фоиз (умумий)
Хладон 318Ц ($C_4F_8Ц$)	Углерод икки оксиди — 8 фоиз (умумий)
Олти фторли олтингугурт (SF_6)	

Изоҳ. Бошқа ГЎЎМлардан фойдаланиш (суюлтирилган азот ёки аргон ҳамда мазкур ШНҚнинг 6-жадвалида келтирилганлар)ни маълум бир бино учун ишлаб чиқилган техник талабларга мувофиқ амалга ошириш керак.

128. Газли ёнғин ўчириш қурилмалари ва уларнинг таркибига киритилган ускуналарни лойиҳалаш уларнинг ишлаш бўйича техник талабларига мувофиқ бўлиши керак.

129. Газли ёнғин ўчириш қурилмаларининг технологик қисмини лойиҳалашда қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилиши лозим:

ёнғин ўчириш қурилмасидаги ГЎЎМ нинг массаларини ҳисоблаш (ГЎЎМ нинг массалари ушбу ШНҚнинг 6-иловасига, массани ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар эса мазкур ШНҚнинг 5-иловасига мувофиқ олиниши керак);

газли ёнғин ўчириш қурилма қувур ўтказгичларининг диаметри, найчаларнинг тури ва сони, ГЎЎМни етказиб бериш вақтини гидравлик ҳисоблаш ишлари;

изотермик идишни ўз ичига олган карбонат ангидрид қурилмаси учун ҳисоблаш (мазкур ШНҚнинг 7-иловасига мувофиқ амалга оширилиши керак);

газли ўт ўчириш моддаси узатилганда, ҳимояланадиган хонада ортиқча босимни бартараф этиш учун очиқ майдонларни ҳисоблаш (мазкур ШНҚнинг 8-иловасига мувофиқ бажарилиши керак).

3-§. Газли ўт ўчириш моддасининг миқдори

130. Қурилмадаги ГЎЎМларнинг ҳисобий миқдори ҳимояланадиган хонада ёки бир вақтнинг ўзида ҳимояланадиган хоналар гуруҳида норматив ўт ўчирувчи концентрациясини таъминлаш учун етарли бўлиши керак.

131. Марказлашган қурилмалар, ГЎЎМнинг ҳисобий миқдоридан ташқари, унинг 100 фоиз захирасига эга бўлиши керак.

Марказлашган қурилмалар реверсивли (икки йўналишли) юритмага эга бўлган қулфлаш ва ишга тушириш қурилмаси ҳамда уни бошқариш учун техник воситалар билан жиҳозланган бўлса, ГЎЎМнинг ҳисобий миқдори ва захирасини изотермик идишда биргаликда сақлашга йўл қўйилади.

132. Модулли ёнғин ўчириш қурилмалари ГЎЎМнинг ҳисобий миқдоридан ташқари, унинг 100 фоиз ўт ўчириш моддаси захирасига эга бўлиши керак.

Бино ва иншоот (хона)да бир нечта модулли қурилмаларни лойиҳалашда, унинг ҳимояланган хоналаридан исталганда ишга тушган қурилмаларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш учун етарли миқдорда захира кўзда тутилиши лозим.

Захирали модуллар ёнғин ўчириш қурилмаларига хизмат кўрсатадиган алоҳида омборларда сақланиши керак.

133. Модулли ёнғин ўчириш қурилмасини синовдан ўтказиш зарур бўлса, келтирилган синовларни ўтказиш учун ГЎЎМ захираси бошқа талаблар бўлмаса, энг кичик ҳажмдаги хонани ҳимоя қилиш шартидан келиб чиққан ҳолда қабул қилиниши лозим.

134. Модулли ёнғин ўчириш қурилмалари учун сиқиб чиқарувчи восита сифатида ҳаво, инерт газлари, «CO2», «H2» дан фойдаланилиши, бунда ўт ўчириш моддасининг сиқиб чиқарувчи воситалар сифатида қўлланиладиган сиқилган газлар қурилманинг ишлаш параметрларини бузмаслиги лозим.

135. Ўт ўчириш моддасини сиқиб чиқариш учун қурилмаларда саноат синовларидан ўтган ва ёнғинга қарши ускуналарда фойдаланиш учун тавсия этилган газ ҳосил қилувчи элементлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Газ ишлаб чиқарувчи элементнинг тузилиши унинг ҳар қандай бўлакларини ўт ўчириш моддасига тушмаслиги керак.

136. Маданий бойликларни ҳимоя қилишда газ ҳосил қилувчи элементлардан ўт ўчирувчи моддаси сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

4-§. Вақтинчалик тавсифлар

137. Газли ёнғин ўчириш қурилмасини лойиҳалашда қуйидагиларни таъминлаш керак:

қурилма хонада эвакуация ҳақида хабар берувчи мосламалар ишга тушган пайтдан бошлаб 10 s дан кечиктирмасдан одамларни хонадан эвакуация қилиш учун зарур бўлган вақт давомида, автоматик ва масофадан ишга тушириш пайтида ҳимояланадиган хонага газли ўт ўчириш моддасини чиқаришни кечиктиришни;

шамоллатиш (кондициялашни) тизимларини ўчиришни;

тўсма қопқоқларни (ёнғинга қарши клапанлар) ёпишни.

Ҳимояланадиган хонадаги шамоллатиш тизимларининг ҳаво узаткичларида клапанларни тўлиқ ёпиш вақти ушбу хонага белгиланган кечикиш вақтидан ошмаслиги лозим.

138. Ёнғинни ўчиришда ҳимояланадиган хонада технологик жараённинг хавфсизлигини таъминлайдиган шамоллатиш қурилмаларини ўчирмасликка йўл қўйилади.

Бунда, қурилмани ҳисоблаш ҳимояланадиган хонанинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда махсус усул бўйича амалга оширилиши лозим.

139. Газли ёнғин ўчириш қурилмаси 15 s дан кўп бўлмаган инерцияни таъминлаши керак.

140. Газли ёнғин ўчириш қурилмаси ҳимояланадиган хонада норматив ўт ўчириш концентрациясини яратиш учун зарур бўлган газли ўт ўчириш модда массасини қуйида ошмайдиган вақт оралиғи учун камида 95 фоизини етказиб беришни таъминлаши керак:

ГЎЎМ сифатида сиқилган газлар (карбонат ангидриддан ташқари) ишлатиладиган модулли қурилмалар учун — 10 s;

ГЎЎМ сифатида сиқилган газлар (карбонат ангидрид бундан мустасно) ишлатиладиган марказлаштирилган қурилмалар учун 15 s;

ГЎЎМ сифатида карбонат ангидрид ёки сиқилган газлар ишлатиладиган модулли ва марказлаштирилган қурилмалар учун 60 s.

Вақт оралиғининг номинал қиймати ГЎЎМ солинган идишни 20°C ҳароратда сақлаш орқали аниқланиши керак.

5-§. Газли ёнғин ўчириш моддаси учун идишлар

141. Газли ёнғин ўчириш қурилмаларида қуйидагилар қўлланилиши лозим:

газли ёнғин ўчириш модуллари;

газли ёнғин ўчириш батареялари;

изотермик идишлар.

Марказлашган қурилмаларга тегишли идишларни ёнғин ўчириш станцияларига жойлаштириш керак.

Модулли қурилмалардаги модулларни ҳимояланадиган хонанинг ўзида унинг ташқарисида, унга яқин жойда жойлаштиришга йўл қўйилади.

Газли ёнғин ўчириш моддаси учун идишлардан иссиқлик манбалари (иситиш мосламалари)гача бўлган масофа камида 1 m бўлиши керак.

Тарқатиш қурилмалари ёнғин ўчириш станциясининг хоналарига жойлаштирилиши лозим.

142. Марказлашган ва модулли ёнғин ўчириш қурилмаларининг технологик жиҳозларини жойлаштириш уларга техник хизмат кўрсатиш имкониятини таъминлаши керак.

143. Газли ёнғин ўчириш моддаси учун идишлар ҳимояланадиган хоналарга яқинроқ жойлаштирилиши, бунда идишларни уларга ёнғин (портлаш)нинг хавфли омиллари таъсир қилиши мумкин бўлган жойларга, механик, кимёвий ёки бошқа турдаги шикастланишлар рўй бериши, қуёш нурларининг тўғридан-тўғри тушиши мумкин бўлган жойларга жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

144. Қурилмада бир хил ўлчамдаги модуллар учун ГЎЎМ ва сиқиб чиқарувчи газни тўлдириш учун ҳисобий қийматлар бир хил бўлиши керак.

145. Икки ёки ундан ортиқ модулни коллекторга улашда суюлтирилган газ ГЎЎМ сифатида ва сиқилган газ ГЎЎМ сифатида фойдаланилганда, қуйидаги бир хил ўлчамдаги модуллардан фойдаланиш лозим:

бир хил ГЎЎМ тўлдириш ва сиқиб чиқарувчи газ босими билан, агар суюлтирилган газ ГЎЎМ сифатида ишлатилса;

бир хил ГЎЎМ босими билан, агар сиқилган газ ГЎЎМ сифатида ишлатилса.

Модулларни коллекторга улаш тескари (қайтиш) клапани орқали амалга оширилиши керак.

146. Газли ёнғин ўчириш қурилмалари алгоритми умумий коллекторга уланган барча модуллардан бир вақтнинг ўзида етказиб беришни назарда тутса, уларни коллекторга улаш учун қайтиш клапанларини ўрнатмасликка йўл қўйилади.

Бунда, модулларни узишда коллекторни герметизациялаш (зич беркитиш) учун зулфинлар бўлиши керак.

147. Газли ёнғин ўчириш қурилманинг бир қисми сифатида газли ёнғин ўчириш моддаси учун идишлар улар учун фойдаланиш қоидаларига мувофиқ маҳкамланиши керак.

148. Сиқилган газлар ГЎЎМ сифатида қўлланиладиган қурилмаларда модуллар ёки изотермик идишлар учун техник ҳужжатларига мувофиқ, ГЎЎМ массасини назорат қилишни таъминлайдиган техник воситалар кўзда тутилиши керак.

149. ГЎЎМ — сиқиб чиқарувчи гази бўлмаган сиқилган газларни ўз ичига олган модулли қурилмаларни лойиҳалаш жараёнида унинг массасини назорат қилиш учун мосламалар билан жиҳозлашни ҳисобга олиш керак.

Сиқилган газни ГЎЎМ ҳамда сиқиб чиқарувчи газ сифатида ишлатилганда, газли ёнғин ўчириш моддаси учун идишлар босимни назорат қилиш мосламалари билан таъминланиши лозим.

6-§. Қувур ўтказгичлар

150. Газли ёнғин ўчириш қурилмаларнинг қувур ўтказгичлари ГОСТ 8732-78 ёки ГОСТ 8734-75 бўйича пўлат қувурлардан, шунингдек латун ёки зангламайдиган пўлатли қувурлардан, ундаш қувур ўтказгичлари эса ГОСТ 10704-91 бўйича пўлат қувурлардан тайёрланиши керак.

Қувурларни резба орқали улаш учун пўлат ва латун материалларидан тайёрланган фитингларидан фойдаланиш лозим.

151. Ёнғинни ўчириш қурилмаларидаги қувурларнинг бирикмалари пайвандланган, резьбали, фланесли ёки кавшарланган бўлиши керак.

152. Қувур ўтказгичларнинг тузилиши гидравлик синовдан ёки тўпланган конденсатни тўкишдан сўнг сувни олиб ташлаш учун тозалаш имкониятини таъминлаши лозим.

153. Қувур ўтказгичлар ишончли тарзда маҳкамланган бўлиши керак.

Қувур ўтказгичлар билан девор орасидаги оралиқ масофа 2 cm дан кам бўлмаслиги лозим.

154. Қувур ўтказгичлар ва уларнинг уланишлари 1,25 *Риш* га тенг босимда мустаҳкамликни таъминлаши ва фойдаланиш шароитида идишдаги ГЎЎМ нинг максимал босимига тенг босимда 5 min давомида герметикликни таъминлаши керак (бу ерда *Риш* — фойдаланиш шароитида идишдаги ГЎЎМ нинг максимал босими).

155. Қурилмаларнинг қувур ўтказгичлари ерлантирилган (ноллаштирилган) бўлиши керак.

Ерлантириш белгиси ва жойи — ГОСТ 21130-75 бўйича аниқланиши зарур.

156. Модулларни қувур ўтказгичлар билан улаш учун эгилувчан улагичлардан (масалан, юқори босимли енглар) ёки камида 1,5 *Риш* босим остида мустаҳкамлигини таъминлаб берадиган мис қувур ўтказгичлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

157. Тарқатиш қувур ўтказгичлари тизими симметрик ҳолатда бўлиши керак.

158. Қувур ўтказгичларнинг ички ҳажми 20°С ҳароратда ГЎЎМнинг ҳисобий миқдорининг суюқ фазаси ҳажмининг 80 фоиздан ошмаслиги лозим.

7-§. Қўзғатувчи тизимлар

159. Қўзғатувчи тизимларнинг ҳароратга сезгир элементларини ҳимояланадиган хоналарда жойлаштириш мазкур ШНҚнинг 8-банди талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

160. Қўзғатувчи қувур ўтказгичларнинг шартли ўтказиш диаметри 15 mm га тенг бўлиши лозим.

161. Қўзғатувчи қувур ўтказгичлар ва уларнинг қурилмалардаги уланган жойлари 1,25 Р босимдаги мустаҳкамликни ва камида ундовчи тизимдаги газ (ҳаво) ёки суюқликнинг максимал босимдаги герметикликни (зичликни) таъминлаши керак.

162. Газли ёнғин ўчириш қурилмасини масофадан ишга тушириш мосламалари 1,7 m дан ортиқ бўлмаган баландликда жойлашган бўлиши лозим.

8-§. Найчалар

163. Найчалар турини танлаш уларнинг маълум бир ГЎЎМ учун техник хусусиятлари билан белгиланиши лозим.

164. Найчалар ҳимояланаётган хонанинг геометриясини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши ва хонанинг бутун ҳажми бўйлаб норматив даражадан паст бўлмаган концентрацияда ГЎЎМ тарқалишини таъминлаши керак.

165. Нормал шароитларда зичлиги ҳаво зичлигидан катта бўлган ГЎЎМни етказиб бериш учун қувур ўтказгич ажратишларига ўрнатилган найчалар ҳимояланадиган хонанинг ораёпмаси (шифт, осма шифт, фальшшифт)дан 0,5 m дан ортиқ бўлмаган масофада жойлашган бўлиши лозим.

166. Битта тарқатувчи қувур ўтказгичдаги икки энг охирги найчалар орасидаги ГЎЎМнинг сарфидаги фарқ 20 фоиздан ошмаслиги керак.

167. Диаметри 3 mm дан ошмайдиган, индивидуал чиқиш тешиклари бўлган найчанинг кириш қисмида фильтрлар ўрнатишга йўл қўйилади.

168. Бир хонада (ҳимояланадиган ҳажмда) фақат бир хил ўлчамдаги найчаларни қўллаш лозим.

169. 1,25 *Риш* босимда найчаларнинг мустаҳкамлиги таъминланган бўлиши зарур.

Найчаларнинг чиқиш тешикларининг юзаси коррозияга чидамли материалдан тайёрланган бўлиши керак.

170. Найчаларнинг чиқиш тешиклари тўғридан-тўғри ГЎЎМ оқимлари ҳимояланадиган хонанинг очиқ майдонларига йўналтирилмаган бўлиши лозим.

171. Найчалар механик шикастланиш ёки тиқилиб қолиши мумкин бўлган жойларда жойлаштирилганда, улар механик таъсирлардан ҳимояланган бўлиши керак.

9-§. Ёнғин ўчириш станцияси

172. Ёнғин ўчириш станцияларининг хоналари бошқа хоналардан 1-турдаги ёнғинга қарши тўсиқлар ва 3-турдаги ораёпмалар билан ажратилиши лозим.

Ёнғин ўчириш станцияси хоналарини «А» ва «Б» тоифалардаги (портлаш хавфи мавжуд) хоналарнинг остида ва тепасида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ёнғин ўчириш станцияларининг хоналари биноларнинг ертўласида, ярим ертўла (цокол) қаватида ёки биринчи қаватида жойлашган бўлиши керак.

Ёнғин ўчириш станциясини биринчи қаватдан юқорида жойлаштиришга йўл қўйилади.

Бунда, ёнғин ўчириш станцияси бино ва иншоотлардаги кўтариш-ташиш ускуналари, қурилмаларни ўрнатиш жойига етказиб бериш ва фойдаланиш ишларини бажариш имкониятини таъминлаши керак.

Ёнғин ўчириш станцияси жойлашган хонадан ташқарига чиқиш жойига эга зинапоя катаги, вестибюль ёки йўлакка чиқиш жойи қуйидаги ҳолларда назарда тутилиши керак:

ёнғин ўчириш станциясининг чиқиш жойидан зинапоя катагигача бўлган масофа 25 m дан ошмаса;

ушбу йўлакка «А» ва «Б» тоифадаги хоналардан чиқиш жойлари мавжуд бўлмаса.

173. Изотермик идишлар ёнғин ўчириш станцияси биносидан ташқарида ёғингарчилик ва қуёш нурларидан ҳимоя қилиш учун соябон билан, ҳудуднинг периметри атрофида эса тўсиқ билан ўрнатилиши лозим. Бунда, қуйидагиларга амал қилиш керак:

изотермик идишларни ўрнатиш жойида фавқулодда ёритишни таъминлаш;

изотермик идишларга ҳамда уни бошқариш (ишга тушириш) тугунлари ва тақсимлаш мосламаларига одамларнинг рухсатсиз киришни максимал (юқори) даражада истисно қилишни ҳисобга олиш;

изотермик идишларга кириш йўлларини таъминлаш.

174. Ёнғин ўчириш станцияси хонасининг баландлиги модуллар ёки батареялар ишлатиладиган қурилмалар учун камида 2,5 m бўлиши керак.

Изотермик идишлардан фойдаланганда, хонанинг минимал баландлиги ундан камида 1 m шифтгача бўлган масофани таъминлаши ҳамда идишларнинг баландлиги билан белгиланиши лозим.

175. Ёнғин ўчириш станцияларининг хоналарида ҳарорат 5 дан 35°С гача бўлиши, 25°С да нисбий ҳаво намлиги 80 фоиздан ошмаслиги, ёритилганлик — люминесцент лампалар билан камида 100 lk ёки чўғланма лампалар билан камида 75 lk бўлиши керак.

176. Фавқулодда ёритиш ШНҚ 2.01.05-24 нинг талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

177. Ёнғин ўчириш станциялари камида иккита ҳаво алмашинувига эга тортиш-чиқариш шамоллатиш жиҳозларига, шунингдек телефон алоқаси билан таъминланган кеча-кундуз навбатчилик қилувчи ходимларнинг хонасига эга бўлиши лозим.

Кириш эшиги ёнғин ўчириш станциясининг хоналарига одамларнинг рухсатсиз киришини максимал (юқори) даражада истисно қиладиган қулфлаш мосламасига эга бўлиши лозим.

178. Ёнғин ўчириш станциясининг хоналарида мослама ва жиҳозларни жойлаштириш уларга хизмат кўрсатиш имкониятини таъминлаши керак.

10-§. Газли ёнғин ўчириш қурилмаларини маҳаллий ишга тушириш мосламалари

179. Марказлашган қурилмалар маҳаллий ишга тушириш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

180. Модуллари ҳимояланадиган хонада жойлашган модулли қурилмалардан қурилмаларни маҳаллий ишга туширишда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Модулларда ишга тушириш элементлари мавжуд бўлса, улар блокланиши лозим.

181. Модуллари ҳимояланадиган хоналардан ташқарида жойлашган модулли ёнғин ўчириш қурилмаларини маҳаллий ишга туширишга йўл қўйилмайди.

Қурилмаларни маҳаллий ишга туширишда фойдаланишга ишга тушириш элементлари қуйидаги шартларга жавоб бергандагина йўл қўйилади:

ҳимояланадиган хоналардан ташқарида ёнғин омиллари таъсиридан хавфсиз жойда жойлашган бўлиши;

одамларнинг рухсатсиз киришини максимал (юқори) даражада истисно қиладиган қулфлаш мосламасига эга бўлиши;

қурилманинг барча ишга тушириш элементларини (яъни модулларни) бир вақтнинг ўзида ишга туширишни таъминлаши.

182. Газли ёнғин ўчириш қурилмаларини маҳаллий ишга тушириш мосламаларининг ишга тушириш элементлари полдан 1,7 m дан ортиқ бўлмаган баландликда жойлашган бўлиши лозим.

183. ГЎЎМни етказиб бериш учун бир нечта йўналишлар мавжуд бўлса, батареялар (модуллар) ва тарқатиш қурилмалари маҳаллий ишга тушириш мосламаларининг ишга тушириш элементлари ҳимояланадиган хонанинг йўналишини кўрсатувчи тахтачаларга эга бўлиши керак.

11-§. Ҳимояланган хоналарга қўйиладиган талаблар

184. Ҳимояланган хоналарнинг герметик бўлмаган параметри мазкур ШНҚда келтирилган қийматлардан ошмаслиги керак.

Технологик асоссиз тешикларни бартараф этиш чораларини кўриш, дераза ва эшикларни ёпиш мосламаларини ўрнатиш, кабель ўтказмаларини зич ҳолатда ёпиш керак.

185. Хона, унинг зарурлиги мазкур ШНҚнинг 8-иловасида келтирилган усул бўйича ҳисобланган бўлса, босимни камайтириш учун доимий очиқ тешик ГЎЎМ етказиб берилганда, тешиги очиладиган қурилма бўлиши лозим.

186. Умумий алмашинув, шамоллатиш, ҳаво иситиш ва ҳимояланадиган хоналарни кондициялаш ҳаво узаткичлари тизимларида ёнғин аниқланганда, автоматик равишда ёпиладиган ҳаво тўсиқлари (тўсма қопқоқлар ёки ёнғинга қарши клапанлар) бўлиши керак.

Ҳимояланадиган хонада технологик жараённинг хавфсизлигини таъминлайдиган шамоллатиш мосламаларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Қуйидаги ҳолларда ҳаво ўтказгичларга автоматик тарзда очилиб-ёпиладиган механизмларни ўрнатмасликка йўл қўйилади:

газли ёнғин ўчириш қурилмаларини лойиҳалаштириш жараёнида шамоллатиш оралиқлари ҳар доим очиқ турадиган оралиқлар сифатида инобатга олинган бўлса;

шамоллатиш оқимларининг тўхталиши ГЎЎМни бергунга қадар амалга оширилса.

187. Ёнғин ўчирилгандан кейин ГЎЎМларни олиб ташлаш учун бино-иншоотлар ва хоналарнинг умумий алмашинув шамоллатишдан фойдаланилиши, бунда кўчма шамоллатиш қурилмалари бўлишига йўл қўйилади.

12-§. Хавфсизлик талаблари

188. Қурилмаларни лойиҳалаш ушбу турдаги қурилмалар учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган қурилмани ўрнатиш, ишга тушириш, қабул қилиш ва ишлатиш вақтида хавфсизлик талабларига жавоб бериш имкониятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

189. Газли ёнғин ўчириш қурилмасини қўлда ишга тушириш мосламалари (ёнғин ўчириш станциясининг хоналарида ўрнатилган маҳаллий ёки ёнғин постларини масофадан ишга тушириш мосламалари бундан мустасно) тасодифий ишга тушириш ёки механик шикастланишдан ҳимояланган ва муҳрланган бўлиши керак.

190. ГЎЎМ (газ)ни чиқариб юбориш учун сақлаш мосламалари ишга туширилганда, ходимларнинг шикастланишига йўл қўймайдиган тарзда жойлаштирилиши керак.

191. Газни хавфсиз ҳудудга олиб ташлаш учун дренаж қувур ўтказгичлари изотермик идишларнинг сақлаш мосламаларини чиқиш тугунларига уланиши лозим.

192. Суюлтирилган ГЎЎМ учун берк бўшлиқлар клапанлар ўртасида ҳосил бўлиши мумкин бўлган қувур ўтказгичлари ҳудудларидаги қурилмаларда ГЎЎМни хавфсиз тушириш учун сақлаш мосламалари бўлиши керак.

193. Газли ёнғин ўчириш қурилмаларининг асбоб ва ускуналарини ерлантириш ҳамда ноллаштириш электр қурилмаларни ўрнатиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши ва ускунанинг техник йўриқномаларига мувофиқ бўлиши керак.

194. Қурилмалардан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, синовдан ўтказиш ва таъмирлаш вақтида ўт ўчириш моддалари учун қўйилган техник талабларга амал қилиш лозим.

8-боб. Модул туридаги кукунли автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари

1-§. Умумий қоидалар

195. «А», «В», «С» синфлари ва электр жиҳозлари (кучланиш остидаги электр қурилмалари)нинг ёнғинларини тарқалишини чеклаш ва бартараф этиш учун К-АЁЎҚ дан фойдаланиш лозим.

196. Портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи тоифасига мансуб хоналарни ҳимоялашда, (ШНҚ 2.01.19-22 га мувофиқ «А» ва «Б» тоифалари ва электр қурилмаларни ўрнатиш қоидалари бўйича портловчи зоналар) қурилма таркибига кирувчи асбоб-ускуналар ҳимояланаётган хонага жойлаштирилганда, портлашдан ҳимояланган бўлиши керак.

197. Қурилмаларни ҳимояланадиган ҳудуддаги ёнғин тарқалишини чеклаш ёки уни ўчириш, ҳудуднинг ёки ҳажмнинг бир қисмини маҳаллий ўчириш ҳамда бутун ҳимояланадиган ҳажмни ўчиришда мазкур ШНҚнинг 209, 210-бандлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлатилишга йўл қўйилади.

198. Одамлар гавжум бўладиган жойлар (кино ва театрлар, савдо марказлари заллари ҳамда хоналари)да қурилмалар мазкур ШНҚнинг 236 — 239, 246 — 249-бандлари талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

199. Ўт ўчириш кукунлари ГОСТ 26952-97 талабларига мувофиқ бўлиши, бунда кукунли ёнғин ўчиришнинг импулс модуллари учун тешиб ўтувчи кучланиш параметрини ҳисобга олмасликка йўл қўйилади.

200. Ёнғин юкламаси 1000 MJ/m^2 дан, ўчириш зонасида ҳаво оқимларининг тезлиги 1,5 m/s дан ошмайдиган, одамларнинг доимий бўлиши назарда тутилмаган ҳамда вақти-вақти билан ташриф буюриладиган (ишлаб чиқариш заруратига кўра ҳажми 100 m^3 дан ошмайдиган) хоналарни, электр шкафлари, кабель иншоотлари ҳимоя қилиш учун фақат ёнғинни аниқлаш ва ўчириш вазифаларини бажарадиган, шунингдек ёнғин сигналини узатувчи қурилмалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

201. Қуйидаги ёнғинларни ўчиришда модул туридаги К-АЁЎҚ дан фойдаланмаслик керак:

модданинг ҳажмида ўз-ўзидан ёнишга ва туташга мойил бўлган ёнувчан материаллар (ёғоч қипиқлари, пахта);

кимёвий моддалар ва уларнинг аралашмалари, ҳаво киришисиз туташга ва ёниб кетишга мойил пирофорик ва полимерик материаллар ёнғинларини.

2-§. Модул туридаги кукунли автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини лойиҳалаш

202. Модул туридаги К-АЁЎҚ учун лойиҳа ҳужжатлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

203. Кукунли ёнғин ўчириш модулининг тузилишига боғлиқ ҳолда қурилмалар тақсимловчи қувур ўтказгичларга эга бўлиши ёки эга бўлмаслигига йўл қўйилади.

204. Кукунли ёнғин ўчириш идишларида сиқиб чиқарувчи газни сақлаш усулига кўра қуйидагиларга бўлиниши керак:

дам берилувчига;

газ ҳосил қилувчи элементга;

сиқилган ёки суюлтирилган газ баллонига.

205. Кукунли ёнғин ўчириш идишларни ҳимояланадиган хонага жойлаштиришда маҳаллий қўлда ишга туширишни ҳисобга олмасликка йўл қўйилади.

206. Ҳимояланадиган хоналарнинг ҳажмини ҳисоблашда агар асбоб-ускуналар ва қурилиш конструкциялари ёнмайдиган материаллардан тайёрланган бўлса, уларнинг ҳажмини хоналарнинг ҳисобий ҳажмидан олиб ташлашга йўл қўйилади.

207. Алоҳида ишлаб чиқариш майдонлари, ҳудудлари, агрегатлари ва ускуналарини маҳаллий ҳимоя қилиш ҳаво оқими тезлиги 1,5 m/s дан ошмайдиган ёки кукунли ёнғин ўчириш модули учун техник ҳужжатларда (ТҲ) кўрсатилган параметрларга эга бўлган хоналарда олиб борилиши керак.

208. Маҳаллий ёнғин ўчиришнинг назорат зонасини ҳисоб-китоби сифатида 10 фоизга оширилган ҳимояланган майдон ўлчами 15 фоизга оширилган ҳимояланган ҳажм ўлчами қабул қилиниши лозим.

209. Герметик бўлмаганлик даражаси 1,5 фоизгача бўлган хоналарда уларнинг бутун ҳимояланадиган ҳажмини ўчиришни таъминлашга йўл қўйилади.

210. Ҳажми 400 m^3 дан ортиқ бўлган хоналарда майдони (ҳажми) бўйича ёки бутун майдон бўйича маҳаллий ёнғинни ўчириш усуллари қўлланилиши керак.

211. К-АЁЎҚ (кукунли автоматик ёнғин ўчириш қурилма)ларидаги қувур уланишлари пайвандланган, гардишли ёки резбали (бурама тишли) бўлиши лозим.

212. Қувур ўтказгичлар ва уларнинг ёнғин ўчириш қурилмаларидаги уланишлари *Риш.* га тенг бўлган синов босимида герметикликни таъминлаши керак.

213. К-АЁЎҚлардаги қувур ўтказгичлар ва уларнинг уланишлари 1,25 *Риш* синов босимида мустаҳкамликни таъминлаши лозим.

214. Кукунли ёнғин ўчириш идишлари ва сачратгич найчалар модуллар учун техник ҳужжатларга мувофиқ ҳимояланадиган ҳудудга жойлаштирилиши керак.

215. Сачратгич найчалари билан модулли ускуналар ёки қувур ўтказгичларни ўрнатиш учун ишлатиладиган конструкциялар ўрнатиладиган элементлар оғирлигининг беш бараварига тенг бўлган юк таъсирига бардош бериши ва уларнинг сақланишини ҳамда тасодифий шикастланишлардан ҳимояланишини таъминлаши лозим.

216. К-АЁЎҚларнинг сачратгич найчаларини тиқилиб қолиш эҳтимолини истисно қилиш учун чоралар кўрилиши керак.

217. Энг катта хона ёки ҳудудни ҳимоя қилувчи қурилма учун бутловчи қисмлар, қайта қувватланмайдиган модулли ускуналар ва алмаштириш кукуни захирасининг 100 фоиз миқдори кўзда тутилиши лозим.

Бир бино-иншоот (хона)да турли ўлчамдаги бир нечта модулли ускуналар ишлатилса, захира ҳар бир ўлчамдаги модулли ускуналар билан қурилмаларнинг ишлаш қобилиятини тиклашни таъминлаши керак.

218. Захира объект омборида сақланиши лозим.

219. Кукунли ёнғин ўчириш модуллари фойдаланиш ҳарорати оралиғини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши керак.

220. Тарқатиш қувур ўтказгичлари бўлган модулларни қуйидаги хоналарда жойлаштиришга йўл қўйилади:

ҳимояланадиган хонанинг ўзида (мўлжалланган ёниш зонасидан узоқда) ва унинг ташқарисида;

ҳимояланадиган хонага бевосита яқин жойда;

махсус тўсиб олинган жойда, алоҳида хонада.

221. Ёнғинни ўчириш учун зарур бўлган модуллар сонини ҳисоблаш ҳимояланадиган ҳажмни ўт ўчириш кукуни билан бир хилда тўлдиришни ёки мазкур ШНҚнинг 9-иловасига мувофиқ пуркаш диаграммаларини (модуль учун ТҲда берилган) ҳисобга олган ҳолда, ҳудудга бир хилда сув сепишни таъминлаш шарти билан амалга оширилиши керак.

222. Сачратгич найчаларнинг жойлашиши модул учун ТҲга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Ҳимояланувчи хонанинг баландлиги найчалар ўрнатилишининг максимал баландлигидан юқори бўлса, бунда уларни жойлаштириш пуркаш диаграммаларини ҳисобга олган ҳолда, қатламларда амалга оширилиши керак.

223. К-АЁЎҚдан фойдаланишда (лойиҳада асосланган ҳолда) захиралашга йўл қўйилади.

Бунда, модулли ускуналарнинг умумий сони ҳисобланганига нисбатан икки баробар кўпайтирилиши ва модулли ускуналарни икки босқичли ишга тушириш амалга оширилиши керак.

Иккинчи босқични ёқиш учун масофадан бошқариш тизимини қўллашга йўл қўйилади.

3-§. Ҳимояланадиган хоналарга қўйиладиган талаблар

224. Ҳажми бўйича ўчириш пайтида хонанинг герметик бўлмаганлик даражаси техник кўрсаткичлари қийматларидан ошмаслиги керак.

Маълумотлар мавжуд бўлмаганда, герметик бўлмаганлик даражаси мазкур ШНҚнинг 209-бандига мувофиқ олиниши ва «К4» ни ҳисоблаш мазкур ШНҚнинг 9-иловасига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

225. Бутун ҳимоя қилинадиган ҳажмни ўчириш кўзда тутилган хоналарни лойиҳалашда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

асосиз очиқ оралиқларни;

ўз-ўзидан очилиб кетадиган эшикларнинг бўлишига.

226. Ҳимояланган хоналарнинг умумий алмашинув вентиляцияси, ҳаво билан иситиш ва ҳавони кондициялаш тизимларининг ҳаво ўтказгичларида ҳаво тўсиқлари ёки ёнғинга қарши клапанлар ўрнатилиши лозим.

Ҳимояланган хоналарни лойиҳалаш ишларида К-АЁЎҚ ўчирилгандан сўнг ёниш маҳсулотлари ва ҳавода муаллақ ҳолатдаги кукунни йўқотиш мақсадида, умумий алмашинув вентиляцияси назарда тутилиши керак.

Бунда, кўчма вентиляция қурилмаларидан фойдаланишни ҳам ҳисобга олишга йўл қўйилади.

Чўккан кукун чангютгич ёрдамида ёки нам тозалаш орқали олиб ташланиши керак.

4-§. Хавфсизлик талаблари

227. Қурилмаларни лойиҳалаш ГОСТ 12.1.019-2017, ГОСТ 12.3.046-91, ГОСТ 12.4.009-83, ГОСТ 12.1.005-88, ГОСТ 28130-89, ЭЎҚ талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

228. Қурилмани қўлда масофадан ва маҳаллий ишга тушириш учун мосламалар муҳрланган бўлиши лозим (ёнғин постлари хоналарида ўрнатилган қўлда ишга тушириш мосламалари бундан мустасно).

229. К-АЁЎҚ ҳимоя қилинаётган хонадан одамларни эвакуация қилиш, шамоллатишни (кондиционерлаш) ўчириш, тўсма қопқоқларни (ёнғинга қарши клапанлар) ёпиш учун зарур бўлган вақт давомида, бироқ эвакуация тўғрисида хабар бериш қурилмаларинг уланиш вақтида 10 s дан кам бўлмаган вақт давомида кукун чиқарилишини ушлаб туришни таъминлаши лозим.

9-боб. Мустақил (автоном) ёнғин ўчириш қурилмалари

230. Мустақил (автоном) ёнғин ўчириш қурилмалари (ЁҚ) ишлатмасдан автоматик тарзда ёнғинни аниқлаш ва ўчириш функцияларини бажарадиган қуйидаги қурилмаларни ўз ичига олиши керак:

ташқи қувват манбалари;

бир вақтнинг ўзида ёнғин ҳақида хабарлашларни бажарадиган ёнғин ўчириш қурилмалари;

муҳандислик тизимлари;

ижро этувчи (масофадан бошқариш пультлари, қисқа туташув назорати ва изоляция қурилмалари, реле модуллари ҳамда овозли ва ёруғлик сигналли

огоҳлантирувчи) мосламаларнинг бир вақтнинг ўзида ишлаб кетиши учун сигнал ва буйруқ импулсларини берувчи бошқариш ва назорат қилиш тизимлари.

231. Мустақил (автоном) қурилмалар ўт ўчириш моддаси аэрозолли, сувли, кўпикли, газли, кукунли ва комбинациялашган турларга бўлиниши керак.

232. К-АЁЎҚларга ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиққан ҳолда техник хизмат кўрсатиш, таъмирлашларни бажаришда, одамлар хавфсизлигини таъминлаш учун техник ва ташкилий чоралар кўрилиши керак.

233. Мустақил (автоном) аэрозолли ёнғин ўчириш қурилмалари фақат ҳажми 5 m^3 гача бўлган электр ускуна жиҳозларининг (40 kv гача кучланиш остидаги электр шитлари) чекланган жойларида қўлланилиши керак.

234. Ҳажмли усулда аэрозолли ёнғин ўчириш қурилмаларини қуйидаги хоналарда ўрнатилган электр қурилмаларида қўллашга йўл қўйилмайди:

генераторнинг ташқи юзасидан 150 mm масофада жойлашган зона ташқарисида 400 °С дан юқори ҳароратга эга бўлган ёнғин ўчирувчи аэрозоль генераторларидан фойдаланган ҳолда, III ва ундан паст даражадаги оловбардошлилик даражасидаги бино ва иншоотлар хоналарида, шунингдек аэрозолни масофадан узатиш қувурларидан;

иш ўринлари мавжуд бўлганда ва одамлар бўлганда;

«А» ва «Б» тоифалар;

модда қатлами (ҳажми) ичида ўз-ўзидан ёниб кетишга ва (ёки) чириб кетишга мойил бўлган толали, сочилувчан, ғовакли ва бошқа ёнувчи материаллар (ёғоч қипиғи, пахта, ўт уни);

ҳаво кирмасдан чириш ва ёнишга мойил бўлган кимёвий моддалар ва уларнинг аралашмалари, полимер материаллар;

металлар ва пирофор моддаларининг гидридлари;

металлар кукунлари (магний, титан, цирконий);

генераторлар ишлай бошлагунга қадар одамлар чиқиб кетиши мумкин бўлмаган хоналарда.

Мустақил (автоном) аэрозолли ёнғин ўчириш қурилмаларидан фойдаланганда, ёнувчан материаллар ва жиҳозларнинг аэрозолли ёнғин ўчириш қурилмасининг хавфли юқори ҳароратли зоналари билан алоқа қилиш имкониятини истисно қилиш учун ишлаб чиқарувчи корхонасининг ТҲда келтирилган тегишли конструктив чоралари (ҳимоя экранлари, тўсиқлар) таъминланиши керак.

235. Ҳар бир турдаги мустақил автоном ёнғин ўчириш қурилмалари учун ўт ўчириш таркиби миқдорини ҳисоблаш автоматик ёнғин ўчириш қурилмасининг ўт ўчириш таркиби турига мос келиши лозим.

236. Мустақил (автоном) қурилмаларнинг таркибига қуйидагилар киритилиши керак:

ўт ўчириш моддасини сақлаш ва етказиб бериш функцияларини бажарадиган қурилмалар;

ёнғин ўчоқларини аниқлаш қурилмалари;

автоматик ишга туширишни таъминлайдиган қурилмалар.

Мустақил (автоном) ёнғин ўчириш қурилмалари ўрнатилган бино ва иншоотлар ҳамда хоналар ёнғин сигнализацияси техник воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

10-боб. Ёнғин ўчириш қурилмаларини бошқарув ускуналари

1-§. Автоматик сувли, кўпикли, газли, кукунли ва юпқа пуркаладиган сувли ёнғин ўчириш қурилмаларини бошқарув ускуналарига қўйиладиган талаблар

237. Ёнғин ўчириш қурилмаларининг бошқарув ускуналарини лойиҳалаш жараёнида қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:

қурилмаларни ўчириш ва уларни автоматик ишга тушириш режимини қайта тиклаш ўрнатмаларини навбатчи пост хонасига ёки сутка давомида навбатчиликни олиб борувчи ходим ўтирадиган бошқа хонага жойлаштиришни;

одамларнинг рухсатсиз киришини максимал (юқори) даражада истисно қилиш тизими мавжуд бўлса, автоматик ишга туширишни тиклаш мосламаларни ҳимояланадиган хоналарнинг кириш жойларига жойлаштирилишни.

238. Умумий талаблардан ташқари сувли ва кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларини бошқариш ускуналари қуйидагиларни таъминлаши керак:

ишлайдиган насосларни автоматик тарзда ишга тушириш (ёнғин ва ўлчаш насослари);

ишга туширилмаган ёки ишловчи насослар белгиланган муддатда режимга етиб бормаганда, захира насосларни (ёнғин ва дозатор насосларини) автоматик тарзда ишга тушириш;

ёпиб-очадиган мосламанинг электр узатмаларини автоматик тарзда ёқиш;

дренаж насосини автоматик ишга тушириш ва ўчириш;

насосларни маҳаллий ва масофадан ишга тушириш ва ўчириш (спринклер тизимлари бундан мустасно);

қувур ўтказгичлар ва гидропневматик (атмосферага нисбатан ёпиқ, газ ва суюқ муҳитларни ажратиб турадиган эластик мембранали) идишлардан ўт ўчириш моддасини ва сиқилган ҳаво оқишини қоплаш учун ускуналарни автоматик ва маҳаллий бошқариш.

Ускуналарни автоматик назорат қилиш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

узилиши учун электр узатмасига эга бўлган қулфлаш мосламаларининг электр занжирларини;

ёнғин насосларини ва узилиш ва қисқа туташувлар учун ўлчаш насосларини автоматик равишда ёқиш буйруғини шакллантириш, бошқарув тугунларининг ишга тушишини рўйхатдан ўтказувчи қурилмаларнинг электр занжирларини;

алоҳида сақлаш вақтида гидропневматик (атмосферага нисбатан ёпиқ, газ ва суюқ муҳитларни ажратиб турадиган эластик мембранали) идишдаги, дренаж чуқурида, кўпик ҳосил қилувчи билан идишдаги фавқулодда даражани;

гидропневматик идишдаги босимни автоматик назорат қилишни.

239. Одамлар бўлиши мумкин бўлган ва ҳимояланадиган хоналар учун ҳажмий ёнғин назорати пости хонасида жойлашган кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаларида автоматик ишга туширишни ўчириш учун ёруғлик ва овозли сигналларни бериш йўли билан мазкур қурилмани автоматик ишга туширишни масофадан бошқаришга ўтказиш учун мосламалар бўлиши керак.

240. Насос станциясининг хонасига қуйидаги қурилмалар жойлаштирилиши лозим:

насосларни маҳаллий ишга тушириш ва тўхтатиш (навбатчи пост хонасидан ёнғин насосларини ишга тушириш ва тўхтатишга йўл қўйилади);

компрессорни маҳаллий ишга тушириш ва тўхтатиш.

241. Автоматик газли ва кукунли ёнғинни ўчириш қурилмаларини лойиҳалаш жараёнида мазкур қурилмалар учун бошқарув ускуналари қуйидагиларни таъминлаб бериши ҳисобга олиниши керак:

қурилмани масофадан ишга туширишни (ҳимояланадиган хоналарга киришда, ёнғин назорати пости хонасида);

ишга тушириш мосламаларини бошқариш учун электр занжирлари ва ишга тушириш мосламаларининг узилиши учун занжирларни;

автоматик газли ёнғин ўчириш қурилмалари учун ишга тушириш идишлари ва қўзғатилувчи қувур ўтказгичлардаги босимлар;

ҳимояланадиган хонага эшикларни очишда ўчирилган ҳолатни кўрсатган ҳолда қурилмани автоматик ва масофадан ишга туширишни ўчиришни автоматик назорат қилишни.

242. Автоматик газли ва кукунли ёнғин ўчириш қурилмаларни масофадан ишга тушириш учун мосламалар ҳимояланадиган хоналардан ташқарида, фавқулодда чиқиш жойларига жойлаштирилиши керак.

Ушбу қурилмалар ГОСТ 12.4.009-83 га мувофиқ ҳимояланган бўлиши лозим.

Масофадан ишга тушириш мосламаларини ёнғин назорати постининг хоналарида ёки суткалик навбатчилик қиладиган ходимлар жойлашган бошқа хоналарда жойлаштиришга йўл қўйилади.

243. Ҳимояланадиган хоналарнинг эшикларида улар очилганда қурилмани автоматик ишга туширишни ўчириш учун сигнал берадиган мосламаларни таъминлаш керак.

Одамлар оммавий тарзда тўпланмайдиган ва ёнғин юкламаси 1000 MJ/m^2 дан ошмайдиган, ҳажми 100 m^3 дан ортиқ бўлмаган хоналарни, шунингдек электр шкафлари, кабель иншоотларини ҳамда кукунли ёнғин ўчириш қурилмаларини автоматик ишга туширишни ўчириб қўядиган мосламалар билан жиҳозламасликка, рухсатсиз киришдан ҳимояланган автоматик ишга туширишни тиклаш мосламалари ҳимояланадиган хоналарнинг кириш қисмида ўрнатилишига йўл қўйилади.

244. Юпқа пуркалган сувли автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини бошқарув ускуналари қуйидагиларни таъминлаши керак:

юпқа пуркалган сувли автоматик ёнғин ўчириш қурилмани масофадан ишга тушириш (ҳимояланадиган хоналарга кириш олдида);

ишга тушириш мосламаларини бошқариш учун электр занжирларини ва уларнинг занжирларини узилиши учун автоматик назорат қилишни.

245. Юпқа пуркалган сувли автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини масофадан ишга тушириш мосламалари ҳимояланадиган хонадан ташқарида, эвакуация чиқиш жойларига жойлаштирилиши лозим.

246. Ушбу қурилмалар ГОСТ 12.4.009-83 га мувофиқ ҳимояланган бўлиши керак.

247. Масофадан ишга тушириш мосламаларини ёнғин назорати пости хоналарида ёки кеча-кундуз навбатчилик қиладиган ходимлар бўлган бошқа хоналарда жойлаштиришга йўл қўйилади.

2-§. Автоматик сувли, кўпикли, газли, кукунли ва юпқа пуркаладиган сувли ёнғин ўчириш қурилмаларини бошқарув ускуналарининг сигнализациясига қўйиладиган талаблар

248. Навбатчи пост хонаси ёки сутка давомида навбатчиликни олиб борувчи ходим ўтирадиган бошқа хоналарда ёруғликли ва овозли сигнализациялар бўлиши лозим.

249. Овозли сигнализацияларни лойиҳалаш ва уларни жойлаштиришда қуйидагиларни таъминлашини ҳисобга олиш керак:

ёнғин рўй берганлиги ҳақида ёнғин сигнализациясининг манзилли тизимларини қўллаган ҳолда йўналишлар ёки хоналар бўйича батафсил шарҳлаш йўли (расшифровка) билан;

ёнғин рўй бергандан сўнг, қурилмаларни ишлаганлиги тўғрисида йўналишлар ёки хоналар бўйича батафсил шарҳлаш йўли (расшифровка) билан хабар беришни.

250. Ёруғликли сигнализацияларни лойиҳалаш ва уларни жойлаштиришда қуйидагиларни таъминлашини ҳисобга олиш лозим:

электр таъминотининг кириш ва захиравий кириш жойларида кучланиш мавжудлиги тўғрисида;

ёнғин ҳақида хабар берувчи овозли сигнализациянинг ўчирилганлиги тўғрисида (сигнализациянинг автоматик қайта тикланиши мавжуд бўлмаганда);

носозликлар ҳақида овозли сигнализациянинг ўчирилганлиги тўғрисида хабар беришни (сигнализациянинг автоматик қайта тикланиши мавжуд бўлмаганда).

251. Ёнғин ҳақидаги сигнал қурилманинг носозлиги ва унинг ишлаб кетганлиги тўғрисидаги сигналдан импульслиги ёки овознинг тавсифи фарқ қилиш керак.

252. Ҳажмий кўпикли ёнғин ўчириш қурилмалари билан ҳимояланадиган хоналар ва уларнинг киришлари олдида ҳамда улар орқали кириш мумкин бўлган қўшни хоналарда ГОСТ 12.4.009-83 га мувофиқ ёнғин сигнализация ва қурилмани автоматик ишга туширишни ўчириш ҳақида ёруғлик сигнализацияси тизими лойиҳаланиши лозим.

253. Ёнғин назорати пости хонасида ёки суткалик навбатчиликни олиб борадиган ходимлар жойлашган бошқа хоналарда қуйидагича сигнализациялар билан таъминланиши керак:

ёруғлик ва товуш сигнализацияси;

насосларни ишга тушириш ҳақида;

ўт ўчириш моддасини етказиб бериш йўналишларини кўрсатган ҳолда қурилма ишлашининг бошланиши ҳақида;

насослар ва қурилмаларни автоматик ишга туширишни ўчириш тўғрисида;

мазкур ШНҚнинг 237-банди бешинчи хатбошиси, 238-бандинг саккизинчи, ўнинчи хатбошилари бўйича қурилманинг носозлиги, қурилманинг асосий ва захира электр таъминоти кириш жойларида кучланишнинг йўқолиши, очиш буйруғи берилганда электр юритмали қулфлаш қурилмаларининг тўлиқ очилмаслиги, қулфлаш қурилмаларининг электр бошқарув занжирларининг носозлиги, сув сатҳи ва ҳаво босимининг рухсат этилган даражадан пасайиб кетиши ҳақида (умумий овозли сигнал);

ёнғин идишидаги фавқулодда даража тўғрисида, дренаж чуқуридаги кўпик ҳосил қилувчи билан идиш (умумий сигнал) ҳақида;

электр узатма (очиқ, ёпиқ) билан эшик сурилма қопқоқларининг ҳолатини ёруғлик сигнализацияси.

254. Насос станциясининг хоналарини лойиҳалаш ишларида ёруғлик сигнализацияси қуйидагиларни таъминлаши керак:

асосий ва захира электр таъминоти киришларида кучланиш мавжудлигини;

ёнғин, ўлчаш, дренаж насосларини автоматик ишга тушириш ва ўчиришни;

бошқарув тугунларининг ишлашини рўйхатдан ўтказадиган ва қурилма ҳамда қулфлаш мосламаларини ёқиш буйруғини берувчи ускуналарнинг электр занжирларининг нотўғри ишлаши (йўналишлар бўйича батафсил шарҳлаш йўли билан);

қулфлаш мосламаларининг сурилма қопқоқларини электр узатма билан бошқариш учун электр занжирларининг нотўғри ишлаши (йўналишлар бўйича батафсил шарҳлаш йўли билан);

электр узатма билан қулфлаш мосламаларининг сурилма қопқоқларини очиш учун буйруқ бериш режимида (йўналишлар бўйича расшифровка қилиш билан) тўлиқ очилиши йўқлиги;

ёнғин идишидаги фавқулодда даража тўғрисида, дренаж чуқуридаги кўпик ҳосил қилувчи билан идиш (умумий сигнал) тўғрисида хабар беришни.

Насос станциясининг хоналарида электр сурилма қопқоқлари ўрнатилмаган бўлса, бунда ушбу бандинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида келтирилган сигналлар электр сурилма қопқоқлари ўрнатилган жойда берилиши лозим.

255. Ёнғин назорати пости хоналарида ёки сутка давомида навбатчилик қиладиган ходимлар бўлган бошқа хоналари қуйидаги сигнализация турлари билан таъминланган бўлиши керак:

мазкур ШНҚнинг 237-бандининг бешинчи хатбошиси ва 238-бандинг учинчи хатбошиларига мувофиқ ўрнатишнинг нотўғри ишлаши тўғрисида ёруғлик ва овозли сигнализация, электр таъминотининг асосий ва захира киришларида кучланишнинг йўқолиши ҳақида умумий овозли сигнал;

автоматик ишга туширишни ўчириш учун ёруғлик сигнализацияси (ҳимояланадиган йўналишлар ёки хоналар бўйича батафсил шарҳлаш йўли билан).

11-боб. Ёнғин сигнализацияси тизимлари

1-§. Ҳимояланадиган объект учун ёнғин хабарлагичлари турларини танлашда умумий талаблар

256. Нуқтали тутунни сезиб ишлайдиган ёнғин хабарлагичи турини танлаш ГОСТ Р 53325-2012 бўйича аниқланиши мумкин бўлган турли хил тутун турларини аниқлаш қобилиятига мувофиқ амалга оширилишига йўл қўйилади.

257. Қуйидаги ёнғин ривожланишининг юқори тезлиги ҳолларида аланга ёнғин хабарлагичларидан фойдаланиш керак:

дастлабки босқичда ёнғин содир бўлганида;

назорат зонасида очиқ аланга ёки қизиб кетган юзалар (600°С дан юқори) пайдо бўлиши кутилса;

алангали ёниш мавжуд бўлганда;

хонанинг баландлиги тутун ёки иссиқлик хабарлагичларини ишлатиш қийматларидан ошиб кетганда;

бошқа турдаги хабарлагичлар томонидан ёнғинни аниқлаш вақти одамлар ва моддий бойликларни олиб чиқиш вазифаларини бажаришга имкон бермаса.

258. Аланга ёнғин хабарлагичнинг спектрал сезгирлиги хабарлагичнинг назорат зонасида жойлашган ёнувчи материаллар алангасининг нурланиш спектрига мос келиши керак.

259. Иссиқлик ёнғин хабарлагичларидан қуйидаги ҳолларда фойдаланишга йўл қўйилади:

назорат зонасида ёнғиннинг дастлабки босқичида иссиқлик чиқиши (сезиларли даражада) кутилганда;

ёнғин бўлмаган ҳолатларда бошқа турдаги хабарлагичларнинг нотўғри ишга тушишига олиб келадиган омиллар мавжуд бўлганда.

260. Назорат ҳудудида ёнғин билан боғлиқ бўлмаган ва бу турдаги хабарлагичлар ишга тушишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳарорат ўзгаришлари кутилмаса, дифференциал ва максимал-дифференциал иссиқлик ёнғин хабарлагичлари ёнғин ўчоғини аниқлаш учун қўлланилиши лозим.

Ёнғин пайтида ҳаво ҳарорати хабарлагичларнинг ҳароратига етиб бормаслиги ёки қабул қилиб бўлмайдиган даражада узоқроқ вақтдан кейин етиб борадиган хоналарда максимал иссиқлик ёнғин хабарлагичларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

261. Иссиқлик ёнғин хабарлагичларини танлашда максимал ва максимал-дифференциал хабарлагичларнинг ишлаш ҳарорати хонада рухсат этилган максимал ҳаво ҳароратидан камида 20 °С юқори бўлишини ҳисобга олиш керак.

262. Назорат зонасида ёнғиннинг бошланғич босқичида ёнғин содир бўлганда маълум турдаги газларнинг концентрацияларда ажралиб чиқиши тахмин қилинаётган бўлса, газли ёнғин хабарлагичларидан фойдаланиш (хабарлагичларнинг ишга тушишига олиб келиши)га йўл қўйилади.

Газли ёнғин хабарлагичларини ёнғин бўлмаганда хабарлагичларнинг ишга тушишига олиб келадиган концентрациядаги газлар пайдо бўлиши мумкин бўлган хоналарда қўллашга йўл қўйилмайди.

263. Назорат зонасида устунлик қилувчи ёнғин омили аниқланмаган бўлса, турли хил ёнғин омилларига жавоб берадиган ёнғин хабарлагичларини ёки комбинацияланган ёнғин хабарлагичларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

264. Ҳимояланадиган хоналарнинг мақсади ва ёнғин юкламасининг турига кўра ёнғин хабарлагичларининг турларини танлаш мазкур ШНҚнинг 10-иловасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

265. Хабарлагичларнинг тури ва параметрлари уларнинг жойлашган жойларида иқлимий, механик, электромагнит, оптик, радиация ва бошқа атроф-муҳит омиллари таъсирига чидамлилигини таъминлаши керак.

266. АЁҲҚ, тутунни олиб ташлаш, ёнғин сигнализациясини бошқариш мақсадида хабар бериш учун мўлжалланган ёнғин хабарлагичлари ГОСТ 30379-2017 бўйича иккинчисидан паст бўлмаган қаттиқлик даражаси билан электромагнит шовқинларга чидамли бўлиши лозим.

267. Ёнғин сигнализацияси шлейфи орқали таъминланадиган ва ўрнатилган товушли хабарлагичга эга тутунли ёнғин хабарлагичларини бир вақтнинг ўзида қуйидаги

шартлар бажариладиган хоналарда тезкор, маҳаллий хабар бериш ва ёнғин жойини аниқлаш учун қўллашга йўл қўйилади:

дастлабки босқичда ёнғин ўчоғи пайдо бўлишининг асосий омили тутун пайдо бўлиши;

ҳимояланадиган хоналарда одамларнинг мавжудлиги.

268. Товушли хабарлагичга эга бўлган тутунли ёнғин хабарлагичларни меҳмонхоналар, тиббиёт муассасалари, музейларнинг кўргазма заллари, санъат галереялари, кутубхоналарнинг ўқиш заллари, савдо бинолари, ахборот марказларида қўллашга йўл қўйилади.

269. Товушли хабарлагичга эга бўлган тутунли ёнғин хабарлагичлардан фойдаланиш мазкур ШНҚнинг 12-иловасига мувофиқ хонанинг хабарлаш тизими билан жиҳозланишини истисно қилмаслиги керак.

2-§. Ёнғин сигнализациясини назорат қилиш зоналарини ташкил этишга қўйиладиган талаблар

270. Манзилли бўлмаган ёнғин хабарлагичлари билан жиҳозланган ёнғин сигнализациясининг битта шлейфи қуйидагиларни ўз ичига олган назорат зонасини жиҳозлашга йўл қўйилади:

умумий майдони 300 m^2 ва ундан кам бўлган, бир-бири билан боғланган 2 қаватдан ошмайдиган хоналар;

бинонинг бир қаватида жойлашган, умумий майдони 1600 m^2 дан ошмайдиган ўнтагача алоҳида ва туташ хоналар, (алоҳида хоналар умумий йўлак, холл, вестибюлга чиқиш имкониятига эга бўлиши лозим);

бинонинг бир қаватида жойлашган, умумий майдони 1600 m^2 дан ошмайдиган йигирматагача алоҳида ва туташ хоналар (алоҳида хоналар умумий йўлак, холл, вестибюлга чиқиш имкониятига эга бўлиши, шунингдек ҳар бир назорат қилинадиган хонага кириш жойида ёнғин хабарлагичларининг ишлаши ҳақида ташқи ёруғлик сигнализацияси мавжуд бўлиши зарур);

ёнғин сигнализациясининг манзилли бўлмаган шлейфлари хоналарни уларнинг ҳимоя зоналарига бўлинишига мувофиқ бирлаштиришига.

Ёнғин сигнализацияси шлейфлари хоналарни навбатчи ходимлар томонидан ярим автоматик бошқаришда ёнғин содир бўлган жойни аниқлаш вақти, одамларни хавфсиз эвакуация қилиш ва ёнғинни ўчириш мумкин бўлган вақтнинг 1/5 қисмидан ошмаслигини ҳисобга олган ҳолда бирлаштириши керак.

Ёнғин содир бўлган жойни аниқлашда одамларни хавфсиз эвакуация қилиш ва ёнғинни ўчириш мумкин бўлган вақт келтирилган қийматдан ошса, бошқарув автоматик бўлиши лозим.

Сигнализация шлейфи орқали таъминланадиган манзилли бўлмаган ёнғин хабарлагичларининг максимал миқдори, қўлланиладиган қабул-назорат қурилмасида кўзда тутилган барча хабарларни рўйхатга олишни таъминлаши зарур.

271. Манзилли ёнғин хабарлагичлари ўрнатилган битта шлейфли ёки радиал шлейфда ҳимояланадиган хоналарнинг максимал сони ва майдони қабул-назорат қурилмасининг техник имкониятлари ҳамда шлейфга уланадиган хабарлагичларнинг техник хусусиятлари хоналарнинг бинодаги жойлашувига боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланиши керак.

Ёнғин сигнализациясининг манзилли шлейфларига қуйидагилар киритилишига йўл қўйилади:

манзилли ёнғин хабарлагичлари билан бир қаторда киритиш/чиқаришнинг манзилли қурилмалари;

манзилсиз шлейфларга уланган манзилсиз ёнғин хабарлагичларини назорат қилувчи манзилли модуллар;

қисқа туташув сепараторлари ва манзилли ижро қурилмалари.

Манзилли қурилмаларни манзилли шлейфга киритиш имконияти ва уларнинг сони ишлаб чиқарувчининг техник ҳужжатларида келтирилган фойдаланилаётган ускунанинг техник хусусиятлари билан аниқланиши лозим.

Қабул-назорат қилиш ускуналарининг манзил чизиқларига манзилли қўриқлаш хабарномаларини ёки манзил қурилмалари орқали манзилсиз қўриқлаш хабарномаларини, ёнғиндан ҳимоя ва қўриқлаш тизимларининг зарур ишлаш алгоритмларини таъминлаш шарти билан улашга йўл қўйилади.

3-§. Ёнғин хабарлагичларини жойлаштириш

272. Автоматик ёнғин хабарлагичлари сони хоналарнинг назорат қилинадиган ҳудудларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнишларни аниқлаш зарурати билан ва аланга хабарлагичлари сони эса жиҳознинг назорат қилинадиган майдони билан белгиланиши керак.

273. Ҳар бир ҳимояланадиган хонада иккитадан кам бўлмаган ёнғин хабарлагичи ўрнатилиши ва улар «ЁКИ» мантиқий схемасига мувофиқ ёқилиши керак.

274. Аспирацион тутунли ёнғин хабарлагич қўлланилганда битта нуқтавий (манзилли бўлмаган) ёнғин хабарлагичи сифатида битта ҳаво сўриш тешигини ҳисобга олиниши, бунда хабарлагич ҳаво сўриш қувуридаги ҳаво оқими сарфи ишчи параметри сифатида белгиланган бошланғич қийматидан 20 фоиз миқдорга ўзгарганда носозлик сигналини ҳосил қилиши лозим.

275. Қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган бўлса, ҳимояланадиган хонада (ҳудудда) битта ёнғин хабарлагичини ўрнатишга йўл қўйилади:

хонанинг майдони унинг техник ҳужжатларида келтирилган ёнғин хабарлагичи томонидан ҳимояланадиган майдондан ва мазкур ШНҚнинг 5-, 8-жадвалларида келтирилган ўртача майдондан кўп бўлмаганда;

ёнғин хабарлагичининг ишлашини автоматик назорат қилиш таъминланганда;

унинг функцияларини бажаришини қабул-назорат қилиш мосламасига носозлик ҳақида хабар бериш орқали аниқланганда;

қабул-назорат қилиш мосламаси томонидан носоз хабарлагични аниқлаш таъминланганда;

ёнғин хабарлагичининг сигналига кўра, мазкур ШНҚнинг 12-иловасига мувофиқ автоматик ёнғин ўчириш ва тутун тортиш қурилмаларини, шунингдек 5-тоифали ёнғин ҳақида хабар бериш тизимларини ишга туширувчи бошқарув қурилмасини ишга тушириш учун сигнал шакллантирилмаганда.

276. Нуқтали ёнғин хабарлагичлари аланга хабарлагичларидан ташқари, устма-уст ўрнатилиши лозим.

Хабарлагичларни бевосита том остида ўрнатиш имкони бўлмаганда, уларни деворларга, устунларга ва бошқа юк кўтарувчи қурилиш конструкцияларига ўрнатишга, шунингдек тросларга маҳкамлашга йўл қўйилади.

Томёпма остидаги ёнғин хабарлагичларни ўрнатишда, улар деворлардан камида 0,1 m масофада жойлаштирилиши керак.

Деворларга нуқтали ёнғин хабарлагичларни ўрнатишда, улар деворларнинг бурчагидан 0,5 m кам бўлмаган масофада ва томёпмадан 0,1 m дан 0,3 m гача бўлган масофада, шунингдек хабарлагичнинг ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим.

Хабарлагичларни пўлат арқонга осишда уларнинг барқарор ҳолати ва фазодаги йўналиши таъминланиши лозим. Бунда, томёпмадан хабарлагичнинг энг қуйи нуқтасигача бўлган масофа 0,3 m дан ошмаслиги керак.

Аспирацион тутунли ёнғин хабарлагичларидан фойдаланилганда, горизонтал ва вертикал текисликда ҳаво олиш қувурларини ўрнатишга йўл қўйилади.

Ёнғин хабарлагичлари 6 m дан баланд жойлаштирилганда, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун кириш имкониятини таъминлайдиган усул аниқланиши лозим.

277. Тик томлари бўлган, диагонал, икки нишабли, тўрт қиялик, чодирсимон, тишли, қияликлари 10º дан юқори бўлган хоналарда хабарлагичларнинг бир қисми том тизмасининг вертикал текислигига ёки бинонинг энг юқори қисмига ўрнатилиши керак.

Томларнинг юқори қисмларига ўрнатилган битта хабарлагич билан ҳимояланадиган майдон 20 фоизга оширилиши лозим.

278. Томёпма текислиги турли хил қияликларга эга бўлса, бунда хабарлагичлар кичикроқ қияликларга эга бўлган томёпма юзаларига ўрнатилиши керак.

279. Нуқтали, иссиқлик ва тутун ёнғин хабарлагичларини жойлаштириш ҳимояланадиган хонада етказиб бериш ёки тортиб олиш вентиляцияси натижасида юзага келадиган ҳаво оқимларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши, бунда хабарлагичдан шамоллатиш туйнугигача бўлган масофа 1 m дан кам бўлмаслиги лозим.

Аспирацион тутунли ёнғин хабарлагичлари қўлланилганда, тешикли ҳаво олиш қувуридан вентиляция тешигигача бўлган масофа хабарлагичнинг техник ҳужжатларига мувофиқ, ушбу турдаги хабарлагичлар учун рухсат этилган ҳаво оқими миқдори билан белгиланиши керак.

Хабарлагичлардан яқин атрофдаги жиҳоз, қурилма ва электр лампаларгача бўлган горизонтал ва вертикал масофа 0,5 m дан кам бўлмаслиги лозим.

Ёнғин хабарлагичларини қуйидагича жойлаштириш керак:

яқин атрофдаги жиҳоз ва қурилмалар (қувурлар, ҳаво ўтказгичлари, асбоб-ускуналар) ёнғин омилларининг хабарлагичларга;

ёруғлик нурланиш манбаларига;

электромагнит шовқинлар хабарлагичнинг ишлаш қобилиятини сақлашга таъсир қилмаслиги лозим.

280. Шифтнинг ҳар бир бўлинмасида 0,75 m ва ундан ортиқ кенгликдаги тутун ҳамда иссиқлик ёнғин хабаларгичлари ўрнатилиб, улар 0,4 m дан ортиқ масофада шифтдан чиқиб турган қурилиш конструкциялари (нурлар, таянчлар, устунлар, плиталарнинг қовурғалари) билан чегараланган бўлиши керак.

Қурилиш конструкциялари шифтдан 0,4 m ва ундан кўпроқ масофада чиқиб турган ва уларни ташкил этувчи бўлмаларининг кенглиги 0,75 m дан кам бўлса, мазкур ШНҚнинг 7 ҳамда 9-жадвалларида келтирилган ёнғин хабарлагичлари томонидан назорат қилинадиган майдон 40 фоизга камайтирилиши лозим.

Қурилиш конструкциялари шифтдан 0,08 m дан 0,4 m гача бўртиб чиқиб турган хоналарда мазкур ШНҚнинг 5 ва 8-жадвалларида келтирилган ёнғин хабарлагичларининг назорат майдони 25 фоизгача камайтирилиши керак.

Қутилар кенглиги 0,75 m ва ундан ортиқ, яхлит тузилишга эга бўлган ҳамда шифтдан пастки белги бўйлаб 0,4 m дан ортиқ ва пол текислигидан 1,3 m дан кам бўлмаган масофада жойлашган технологик майдончалар мавжуд бўлган назорат қилинадиган хоналарида технологик майдончалар остида қўшимча ёнғин хабарлагичлар ўрнатилиши лозим.

281. Нуқтали, чизиқли, тутунли ва иссиқлик ёнғин хабарлагичлари, шунингдек аспирацион тутунли ёнғин хабарлагичлар материалларнинг тахламлари, токчалар, асбоб-ускуналар ва материаллар уюмлари билан ҳосил қилинган хонанинг ҳар бир бўлмасига ўрнатилиши лозим.

Уларнинг юқори четлари шипдан 0,6 m ва ундан кам масофада жойлашган бўлиши керак.

282. Кенглиги 3 m дан кам бўлган хоналарда, асосий пол сатҳининг устига ўрнатиладиган мустаҳкам асосли қўшимча пол қоплама (фальшпол) остида ёки фальшшифтдан юқорида баландлиги 1,7 m дан кам бўлган бошқа жойларда нуқтали тутун хабарлагичларини ўрнатишда ушбу ШНҚнинг 5-жадвалида келтирилган хабарлагичлар орасидаги масофа 1,5 баробарга оширилишига йўл қўйилади.

283. Ёнғин хабарлагичларини асосий пол сатҳининг устига ўрнатиладиган мустаҳкам асосли қўшимча пол қоплама (фальшпол) остида, фальшшифт остида ва кўриш

имкони бўлмаган бошқа жойларда ўрнатиш (лойиҳалаш) ишлари қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

ишга туширилган хабарлагичнинг жойлашишини аниқлаш имконияти бўлишини;

улар манзилли қурилмага эга бўлишини;

улар мустақил ёнғин сигнализация шлейфларига уланган ёки масофавий оптик кўрсаткичга эга бўлишини.

284. Ёнғин хабарлагичларини ўрнатиш уларнинг техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

285. Хабарлагичга механик шикастланиш хавфи мавжуд бўлган жойларда унинг ишлаш қобилиятини ва алангани аниқлаш самарадорлигини бузмайдиган ҳимоя тузилиши таъминланиши лозим.

286. Бир назорат ҳудудида турли хил ёнғин хабарлагичлари ўрнатилганда, уларни жойлаштириш ҳар бир турдаги хабарлагич учун ушбу ШНҚнинг талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

287. Устунлик қилувчи ёнғин омили аниқланмаган бўлса, комбинацияланган (тутунли ва/ёки иссиқлик) ёнғин хабарлагичларини ўрнатишга йўл қўйилади.

Бунда, хабарлагичларни жойлаштириш мазкур ШНҚнинг 10-жадвалига мувофиқ бажарилиши лозим.

Тутун ёнғиннинг асосий омили сифатида қабул қилинганда, хабарлагичларни жойлаштириш мазкур ШНҚнинг 5 ёки 9-жадвалларига мувофиқ амалга оширилиши, бунда хабарлагичлар сонини аниқлашда бирлаштирилган хабарлагич битта хабарлагич сифатида қабул қилиниши лозим.

288. Қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилса, томёпмага ўрнатилган хабарлагичларни тешилган фальшшифт остидаги майдонни ҳимоя қилиш мақсадида ишлатишга йўл қўйилади:

тешилиш даврий тузилишга эга ва унинг майдони юзанинг 40 фоиздан ошганда;

ҳар қандай кесимдаги ҳар бир тешилишнинг минимал ўлчами камида 10 mm бўлганда;

фальшшифтнинг қалинлиги тешилиш катакчасининг минимал ўлчамидан уч баравардан ортиқ бўлмаганда.

Ушбу талаблардан камида биттаси бажарилмаганда, хабарлагичлар асосий хонанинг фальшшифтига ўрнатилиши зарур.

289. Осма шифт ортидаги бўшлиқни ҳимоя қилиш зарур бўлган ҳолларда эса қўшимча хабарлагичлар асосий шифтга ўрнатилиши лозим.

290. Хабарлагичлар жойлаштиришда индикаторлар хонадан чиқишга олиб борувчи эшик томон йўналтирилиши лозим.

4-§. Нуқтали тутун ёнғин хабарлагичлари

291. Битта нуқтавий тутунли ёнғин хабарлагичи томонидан назорат қилинадиган майдон, хабарлагичлар ва девор орасидаги максимал масофа мазкур ШНҚнинг 7-жадвали бўйича аниқланиши, бунда майдон ва масофалар қиймати техник шартлар ва муайян турдаги хабарлагичларнинг техник тавсифларида келтирилган миқдорлардан ошмаслиги (ушбу ШНҚнинг 282-бандида келтирилган ҳоллар бундан мустасно) лозим.

7-жадвал

Ҳимояланадиган хонанинг баландлиги, m	**Битта хабарлагич томонидан назорат қиладиган ўртача майдон, m^2**	**Максимал масофа, m**	
		хабарлагичлар орасида	**хабарлагичдан деворгача**
3,5 — гача	85 гача	9,0	4,5
3,5 — дан 6,0 — гача	70 гача	8,5	4,0
6,0 дан 10,0 гача	65 гача	8,0	4,0
10,5 дан 12,0 гача	55 гача	7,5	3,5

5-§. Чизиқли тутунли ёнғин хабарлагичлари

292. Чизиқли тутунли ёнғин хабарлагичининг нур тарқатгичи ва қабул қилувчиси (қабул қилгич-узатгич ва қайтаргич) деворлар, тўсиқлар, устунлар ва бошқа конструкцияларга мустаҳкам ўрнатилиши, бунда уларнинг оптик ўқи ораёпма сатҳидан камида 0,1 m ва кўпи билан 0,6 m масофада ўтишини таъминлаш керак.

293. Аниқлаш вақти ёнғинга қарши ҳимоя вазифаларини бажариш учун етарли бўлса, асосланган ҳисоб-китоблар орқали хабарлагичларни ораёпма сатҳидан 0,6 m дан пастроққа ўрнатишга йўл қўйилади.

294. Чизиқли тутунли ёнғин хабарлагичининг нур тарқатгичи ва қабул қилувчиси (қабул қилгич-узаткич ва қайтаргич)ни хонанинг қурилиш конструкцияларига жойлаштиришда хабарлагич ишлаган вақтида турли хил объектлар ёнғинни аниқлаш зонасига тушмаслиги лозим.

Нур тарқатгич ва қабул қилувчи ёки хабарлагич ва қайтаргич ўртасидаги минимал ва максимал масофа хабарлагичларнинг техник тавсифларида келтирилган маълумотлар асосида қабул қилиниши керак.

295. Баландлиги 12 m гача бўлган хоналарда икки ёки ундан ортиқ чизиқли тутун ёнғин хабарлагичлари билан ҳимояланадиган ҳудудни назорат қилишда уларнинг параллель оптик ўқлари орасидаги максимал масофа 9,0 m дан, оптик ўқ ва деворгача бўлган максимал масофа эса 4,5 m дан ошмаслиги лозим.

296. Баландлиги 12 m дан 21 m гача бўлган хоналарда чизиқли хабарлагичлар, мазкур ШНҚнинг 8-жадвалига мувофиқ икки қаватда (ярусда) қуйидагича жойлаштирилиши керак:

хабарлагичларнинг биринчи қавати ёнғин юкламасининг юқори сатҳидан 1,5 — 2 m масофада, бироқ пол текислигидан камида 4 m масофада;

хабарлагичларнинг иккинчи қавати томёпма сатҳидан 0,8 m дан ошмайдиган масофада.

8-жадвал

Ҳимояланаётган хонанинг баландлиги	**Қават (ярус)**	**Хабарлагични ўрнатиш баландлиги**	**Максимал масофа**	
			Чизиқли тутун ёнғин хабарлагичи оптик ўқлар орасида	**Чизиқли тутун ёнғин хабарлагичи оптик ўқдан деворгача**
12 m дан 21 m гача	1	1,5 — 2 ёнғин юкламасидан, 4 m пол юзасигача	9 m	4,5 m
	2	том қопламадан 0,8 m гача	9 m	4,5 m

297. Чизиқли тутун ёнғин хабарлагичларни ўрнатишда унинг оптик ўқидан девор ва атрофдаги жиҳозларгача бўлган минимал масофалар 0,5 m дан кам бўлмаслиги лозим.

Чизиқли тутун ёнғин хабарлагичларнинг оптик ўқлари орасидаги минимал масофа оптик ўқлардан девор ва атрофдаги жиҳозларгача бўлган ўзаро шовқинларни олдини олиш хабарлагичларнинг техник тавсифларида келтирилган маълумотларга мувофиқ белгиланиши керак.

6-§. Нуқтали иссиқлик ёнғин хабарлагичлари

298. Битта нуқтали иссиқлик ёнғин хабарлагичларини лойиҳалашда улар томонидан назорат қилинадиган майдон, шунингдек хабарлагичлар ҳамда хабарлагичлар ва девор ўртасидаги максимал масофа мазкур ШНҚнинг 9-жадвали бўйича аниқланиши (ушбу ШНҚнинг 280-бандида келтирилган ҳоллар бундан мустасно) керак.

9-жадвал

Ҳимояланадиган хонанинг баландлиги, m	Битта нуқтали иссиқлик ёнғин хабарлагичи томонидан назорат қилинадиган ўртача майдон, m^2	Максимал масофа, m	
		нуқтали иссиқлик ёнғин хабарлагичлар орасида	нуқтали иссиқлик ёнғин хабарлагичдан деворгача
3,5 гача	25 гача	5,0	2,5
3,5 дан 6,0 гача	20 гача	4,5	2,0
6,0 дан 9,0 гача	15 гача	4,0	2,0

299. Нуқтали иссиқлик ёнғин хабарлагичлари уларга ёнғин билан боғлиқ бўлмаган иссиқлик таъсирининг истисно қилишни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши ва жойлаштирилиши керак.

7-§. Чизиқли иссиқлик ёнғин хабарлагичлари

300. Чизиқли ва кўп нуқтали иссиқлик ёнғин хабарлагичларининг сезгир элементи ораёма остида ёки ёнғин юкламасининг бевосита устига жойлаштирилиши лозим.

301. Чизиқли иссиқлик ёнғин хабарлагичларини мазкур ШНҚнинг 9-жадвалидаги ҳоллардагина ёнғин юкламаси устидаги ораёпма остида ўрнатишга йўл қўйилади.

Бунда, ушбу ШНҚнинг 9-жадвалида келтирилган катталикларнинг қийматлари ишлаб чиқарувчининг техник ҳужжатларида келтирилган катталикларнинг қийматларидан ошмаслиги керак.

Чизиқли иссиқлик ёнғин хабарлагичнинг сезгир элементидан ораёпмагача бўлган масофа камида 25 mm бўлиши лозим.

Материалларни токчаларда сақлашда чизиқли иссиқлик ёнғин хабарлагичларнинг сезгир элементини қават (ярус)лар ва токчаларнинг устки қисмига ўрнатишга йўл қўйилади.

8-§. Аланга ёнғин хабарлагичлари

302. Аланга ёнғин хабарлагичлари бино ва иншоотларнинг ораёпмалари, деворлари қурилиш конструкцияларига, шунингдек технологик ускуналарга ўрнатилиши керак.

Ёнғиннинг дастлабки босқичида тутун чиқиши мумкин бўлса, аланга ёнғин хабарлагичдан ораёпмагача бўлган масофа камида 0,8 m бўлиши лозим.

303. Аланга ёнғин хабарлагичларини ўрнатишда, уларни оптик шовқинларнинг эҳтимолий таъсиридан ҳимоялашни ҳисобга олиш зарур.

Ёнғин ўчоғининг ёниш майдони 3 s ичида хабарлагичнинг назорат зонаси майдонидан ошиб кетадиган бўлса, пульсация туридаги аланга ёнғин хабарлагичлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

304. Назорат зонаси иккитадан кам бўлмаган аланга ёнғин хабарлагичлари томонидан назорат қилиниши, бунда аланга ёнғин хабарлагичларнинг жойлашуви ҳимояланадиган юзани қарама-қарши томонлардан назорат қилишни таъминлаши лозим.

Бир вақтнинг ўзида хабарлагич бутун майдонни назорат қилиши мумкин бўлса ва ушбу ШНҚнинг 275-бандининг шартлари бажарилса, назорат зонасида битта ёнғин хабарлагичидан фойдаланишга йўл қўйилади.

305. Аланга ёнғин хабарлагичи томонидан назорат қилишда хона ёки жиҳознинг майдони қуйидагича аниқланиши керак:

аланга ёнғин хабарлагичнинг назорат қилиш бурчаги қиймати ва ГОСТ Р 53325-2012 бўйича белгиланган синфига мувофиқ;

техник ҳужжатларида келтирилган ёнувчан материалнинг оловга сезгирлиги асосида.

9-§. Қўл ёнғин хабарлагичлари

306. Қўл ёнғин хабарлагичларини девор ва конструкцияларга ер ёки пол сатҳидан бошқарув қисмигача (тутқич, тугма ва бошқаларгача) 1,5 m баландликда лойиҳалаш лозим.

Қўл ёнғин хабарлагич қурилмаларини ўрнатиш жойлари мазкур ШНҚнинг 11-иловасига мувофиқ аниқланиши керак.

307. Қўл ёнғин хабарлагичлари электромагнит, доимий магнит ва бошқа қурилмалардан узоқда жойлашган жойларда қуйидагича масофада жойлаштирилиши лозим:

бинолар ичида бир-биридан 50 m гача;

бинолар ташқарисида бир-биридан 150 m гача;

қўл ёнғин хабарлагичга эркин киришга тўсқинлик қиладиган бошқа бошқарув элементлари ва предметлардан камида 0,75 m.

308. Қўл ёнғин хабарлагичи ўрнатиш жойидаги ёруғлик ушбу турдаги хоналар учун ШНҚ 2.01.05-24 га белгиланган қийматларидан кам бўлмаслиги керак.

10-§. Газ ёнғин хабарлагичлари

309. Бино ва иншоотларнинг шифти, девори ва бошқа қурилиш конструкциялари жойлашган хоналарга газ ёнғин хабарлагичларини ўрнатиш мазкур ШНҚнинг 8-жадвалига мувофиқ бўлиши керак.

11-§. Аспирацион тутунли ёнғин хабарлагичлари

310. АТЁХ сезгирлик синфига боғлиқ ҳолда қуйидаги 10-жадвалга мувофиқ ўрнатилиши керак.

10-жадвал

ГОСТ Р 53325-2012 га мувофиқ аспирацион тутунли ёнғин хабарлагичнинг сезгирлик синфи	**Ҳаво олиш қувурларини ўрнатиш баландлиги, m**	**Ҳаво олиш тешиклари орасидаги максимал масофа, m**	**Ҳаво олиш тешикларидан деворгача бўлган максимал масофа, m**
«С» синфи, нормада сезувчанлик	8	9,0	4,5
«В» синфи, оширилган сезувчанлик	15	9,0	4,5
«А» синфи, юқори сезувчанлик	21	9,0	4,5

«А», «В» синфидаги аспирацион тутунли ёнғин хабарлагичларидан катта очиқ жойлар, баландлиги 8 m дан юқори бўлган хоналар ва қуйидагиларни ҳимоя қилишда фойдаланишга йўл қўйилади:

атриумлар;

ишлаб чиқариш цехлари;

омборлар;

савдо заллари;

йўловчи терминаллари;

спорт заллари ва стадионлар;

цирклар;

музей кўргазма заллари;

санъат галереялари;

электрон ускуналарнинг катта концентрацияси бўлган биноларни ҳимоя қилиш учун сервер хоналари;

АТС;

маълумотларни қайта ишлаш марказлари.

311. Аспирацион тутунли ёнғин хабарлагичининг ҳаво олиш қувурларини, ҳаво олиш тешикларига киришни сақлаган ҳолда, қурилиш конструкциясига ёки хонанинг пардозлаш элементларига жойлаштиришга йўл қўйилади.

Аспирацион тутунли ёнғин хабарлагичнинг қувурлари ҳаво олиш тешиги бинонинг асосий бўшлиғига чиқадиган фальшшифт/фальшпол орқали ўтадиган, ўзгарувчан

узунликдаги қўшимча капилляр найчалар орқали ҳавони олиш билан осма шифт орқасида (фалшпол остида) жойлаштирилишига йўл қўйилади.

Асосий ва ажратилган майдонда (фальшшифт орқасида/фальшпол остида) тутун мавжудлигини назорат қилиш учун ҳаво қабул қилиш қувуридаги тешиклардан (капилляр найчалар орқали) фойдаланишга йўл қўйилади.

312. Эришиш қийин бўлган жойларни ҳимоя қилиш учун, шунингдек агрегатлар, механизмлар, устунларнинг ички қисмидан ҳаво олиш учун охирида (учида) тешикли капилляр найчалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

313. Ҳаво олиш қувурининг максимал узунлиги, шунингдек ҳаво олиш тешикларининг максимал сони аспирацион тутунли ёнғин хабарлагичининг техник хусусиятларига кўра белгиланиши лозим.

314. Аспирацион тутунли ёнғин хабарлагичларининг қувурларини кенглиги 3 m дан кам бўлган хоналарда, фальшпол остида ёки фальшшифтдан юқорида ва баландлиги 1,7 m дан кам бўлган бошқа жойларда ўрнатишда, мазкур ШНҚнинг 10-жадвалида келтирилган ҳаво олиш қувурлари ва девор орасидаги масофаларни 1,5 баробарга кўпайтиришга йўл қўйилади.

12-§. Ёнғин қабул қилиш-назорат ва бошқарув мосламалари асбоблари

315. Ёнғин қабул-назорат, бошқарув мосламалари ва бошқа жиҳозларни уларнинг ўрнатилган жойларидаги иқлимий, механик, электромагнит таъсирларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш керак.

316. Ёнғин қабул-назорат, ёнғин бошқарув мосламалари ва ёнғинни автоматлаштириш тизимларида ишлайдиган бошқа жиҳозлар ташқи шовқинларга нисбатан ГОСТ 30379-2017 бўйича иккинчи даражадан кам бўлмаган чидамликка эга бўлиши керак.

317. Хонада жойлашиш ўрни маълум бўлмаган ёнғин хабарлагичлари билан ишлаш учун мўлжалланган қабул-назорат мосламаларининг шлейфлар сони 10 ва ундан ортиқ бўлганда 10 фоизни ташкил этиши лозим.

318. Ёнғин қабул-назорат ва бошқарув мосламаларини лойиҳалашда қуйидагиларни таъминланган ҳолларда кеча-кундуз навбатчилик қилинмайдиган хоналарга жойлаштиришга йўл қўйилади:

ёнғин ҳақидаги хабарлар ва носозликлар ҳақидаги маълумотларни кеча-кундуз навбатчилик қиладиган ходимлар бўлган хоналарга узатиш;

хабарларни узатиш каналларини назорат қилиш.

Бунда, мосламалар ўрнатилган хона хавфсизлик ва ёнғин сигнализацияси билан жиҳозланган ҳамда рухсатсиз киришдан ҳимояланган бўлиши керак.

319. Ёнғин қабул-назорат ва бошқарув мосламалари ёнмайдиган материаллардан тайёрланган девор, тўсиқ ва конструкцияларга ўрнатилиши лозим.

Ёнғин қабул-назорат ва бошқарув мосламаларини ёнувчи материаллардан тайёрланган конструкцияларга ўрнатиш, ушбу конструкцияларни қалинлиги камида 1 mm бўлган пўлат лист ёки қалинлиги камида 10 mm бўлган бошқа ёнмайдиган лист материали билан ҳимоялаш шарти билан йўл қўйилади. Бунда, лист материали ўрнатиладиган ускуна чегарасидан камида 100 mm га чиқиб туриши лозим.

320. Ёнғин қабул-назорат ва ёнғин бошқарув мосламасининг юқори четидан ёнувчан материаллардан тайёрланган хонанинг томёпмасигача бўлган масофа камида 1 m бўлиши керак.

321. Бир нечта қабул-назорат ва бошқарув ускуналарининг қўшни жойлашуви билан улар орасидаги масофа камида 50 mm бўлиши лозим.

322. Ёнғин қабул-назорат ва бошқарув мосламаларини жойлаштиришда пол сатҳидан ушбу мосламаларнинг бошқарув элементларигача бўлган баландлик 0,8-1,5 m бўлиши лозим.

323. Ёнғин ўчириш пости хонаси ёки кеча-кундуз навбатчилик олиб борувчи ходимлар жойлашган хона бинонинг биринчи ёки ярим ертўла (цоколъ қавати)да жойлаштирилиши лозим.

Мазкур хонани биринчи қаватдан юқорида жойлаштиришга ундан чиқиш вестибюлга ёки бинонинг ташқарисига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлган зинапоя катаги ёнидаги йўлакка олиб бориши шарти билан йўл қўйилади.

324. Ёнғин ўчириш пости хонасининг эшигидан ёки кеча-кундуз навбатчилик олиб борувчи ходимлар жойлашган хонадан ташқарига чиқадиган зинапоя катагигача бўлган масофа 25 m дан ошмаслиги керак.

325. Ёнғин ўчириш пости хонаси ёки кеча-кундуз навбатчилик олиб борувчи ходимлар жойлашган хона қуйидагича таъминланган бўлиши керак:

майдони 15 m^2 дан кам бўлмаслиги;

табиий, сунъий ва фавқулодда ёритиш (табиий ёруғлик 100 lk дан кам бўлмаслиги), табиий ёки сунъий шамоллатиш мавжудлиги;

150 lk кам бўлмаган люминесцент ва 100 lk кам бўлмаган чўғланма лампалар билан жиҳозланганлиги;

50 lk кам бўлмаган фавқулодда ёритиш билан жиҳозланганлиги;

объект ёки жойнинг ёнғин-қутқарув қисми билан телефон алоқаси мавжудлиги.

Ушбу хоналарда белгиланганлардан ташқари, захира қувватли батареялар ўрнатилмаслиги лозим.

326. Кеча-кундуз навбатчилик олиб борувчи ходимлар жойлашган хоналарни лойиҳалаш ишларида ушбу хоналарда асосий ёритиш ўчирилган вақтда фавқулодда ёритиш автоматик равишда ёқилишини ҳисобга олиш керак.

13-§. Ёнғин сигнализациясининг шлейфлари. Ёнғин сигнализациялари ва бошқарув аппаратларини уланиш линиялари

327. Ёнғин сигнализация тизимларини лойиҳалашда уларнинг шлейфлари ва уланиш линияларини ташкил этиш учун симлар ва кабелларни танлаш, уларни ётқизиш усуллари ЭЎҚ, ШНҚ 2.05.06-22 га мувофиқ амалга ошириш керак.

328. Симли ва симсиз ёнғин сигнализацияси шлейфлари, шунингдек симли ва симсиз уланиш линиялари ахборот узатишнинг зарур ишончлилигини таъминлаш ва уларнинг бутун узунлиги бўйлаб хизмат кўрсатиш қобилиятини доимий автоматик назорат қилиш шарти билан амалга оширилиши лозим.

329. Ёнғин сигнализация тизимининг электр симлари ва уланиш линияларини лойиҳалашда уларни мис ядроли мустақил симлар ва кабеллар орқали амалга оширилиши лозим.

330. Ёнғин сигнализация тизимларининг электр симли шлейфлари лойиҳа топшириғига асосан ёнғин қабул-назорат мосламалари учун махсус турдаги симлар ёки кабеллардан фойдаланишни назарда тутмаса, бунда ёнғин сигнализация тизимларининг электр симли шлейфлари алоқа симлари билан амалга оширилиши лозим.

331. Ёнғиндан ҳимоя қилиш воситаларини автоматик бошқариш мавжуд бўлмаса, махсус алоқа линияларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

332. Оптик ва электр бўлмаган (пневматик, гидравлик) уланиш линияларни электромагнит таъсирлар катта бўлган зоналарда қўллашга йўл қўйилади.

333. Ёнғин автоматикаси тизимларининг турли қисмларига уланган симлар ва кабелларнинг оловбардошлилиги ушбу компонентларни ўрнатиш учун сарфланадиган вақтдан кам бўлмаслиги керак.

334. Объектнинг комплекс алоқа тармоғидаги мис симли телефон кабеллари орқали бажариладиган уланиш линияларидан қуйидаги ҳолларда фойдаланишга йўл қўйилади:

ёнғин сигнализацияси тизими объектнинг автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари, хабарлаш тизимлари, тутун тортиш ва бошқа ёнғин хавфсизлиги муҳандислик тизимларини бошқариш учун мўлжалланмаганда;

60 V гача кучланишли радиал турдаги ёнғин сигнализацияси шлейфларини қабул-назорат мосламаларига улаш учун алоқа каналлари ажратилганда.

Бунда, ёнғин сигнализацияси шлейфларини ўрнатишда қўлланиладиган кроссдан тақсимлаш қутиларгача ажратилган бўш жуфтликларни ҳар бир тақсимлаш қутиси доирасида гуруҳларга ажратиб жойлаштириш ва қизил ранг билан белгилаш лозим.

335. Телефон ва назорат кабеллари билан бажарилган уланиш линиялари 10 фоиз дан кам бўлмаган кабель кесим юзалари ва уланиш қутилари қисқичларининг эҳтиёт захирасига эга бўлиши лозим.

336. Радиал турдаги ёнғин сигнализацияси шлейфлари уланиш қутилари ва кросслар орқали ёнғин қабул-назорат мосламаларига уланиши керак.

Мосламаларнинг ахборот сиғими 20 та шлейфдан ошмайдиган бўлса, радиал турдаги ёнғин сигнализацияси шлейфларини бевосита ёнғин мосламаларига улашга йўл қўйилади.

337. Ҳалқасимон турдаги ёнғин сигнализацияси шлейфлари алоҳида симлар ва алоқа кабеллари ёрдамида амалга оширилиши, бунда ҳалқасимон шлейфнинг бошланиш ва тугаш нуқталари ёнғин қабул-назорат мосламаларининг тегишли қисқичларига уланиши зарур.

338. Мис толали симлар ва кабелларнинг кесим юзалари диаметри рухсат этилган кучланиш пасайишини ҳисоблаш орқали аниқланиши, бироқ 0,5 mm дан кам бўлмаслиги керак.

339. Қабул-назорат ва ёнғин бошқариш мосламаларининг электр таъминоти линиялари, шунингдек автоматик ёнғинни ўчириш, тутун тортиш ёки хабарлаш қурилмалари учун уланиш линиялари мустақил алоҳида симлар ва кабеллар орқали бажарилиши лозим.

Уларни портловчи ва ёнғинга хавфли хоналар (зоналар) орқали лойиҳалашга, олиб ўтишга ва ётқизишга йўл қўйилмайди.

Электр таъминоти линиялари, шунингдек автоматик ёнғинни ўчириш, тутун тортиш ёки хабарлаш қурилмалари учун уланиш линияларини К0 синфига мансуб қурилиш конструкцияларининг бўшлиқларидан ёнғин хавфи юқори бўлган хоналар (зоналар) орқали ўтказишга йўл қўйилади. Бунда, оловбардош симлар ва кабеллардан ёки ГОСТ 3262-75 га мувофиқ пўлат қувурларга ётқизилган кабеллар ва симлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

340. Ёнғин сигнализациясининг шлейфлари ва уланиш линияларини 60 V гача кучланишли, автоматик ёнғин ўчириш ва хабар бериш тизимларини бошқариш линияларини 110 V ва ундан юқори кучланишли линиялар билан бир қути, қувур, ўрам, бино конструкциясининг ёпиқ канали ёки бир лотокда биргаликда ётқизишга йўл қўйилмайди.

Мазкур линияларни биргаликда ўтказишга ёнмайдиган материалдан тайёрланган, 0,25 h ёнғинга чидамлилик чегарасига эга бўлган узлуксиз бўйлама тўсиқли қути ва лотокларнинг турли бўлмаларида бажаришга йўл қўйилади.

341. Параллель очиқ ётқизиш билан ёнғин сигнализацияси симлари ҳамда 60 V гача кучланишли кабеллардан қувват ва ёритиш кабелларигача бўлган масофа камида 0,5 m дан кам бўлмаслиги керак.

Ушбу сим ва кабелларни улар электромагнит шовқинлардан ҳимояланган бўлсагина қувват ва ёруғлик кабелларидан 0,5 m дан кам масофада ётқизишга йўл қўйилади.

Ёнғин сигнализациясининг шлейф симлари ва уланиш линияларидан якка ёритиш симлари ва назорат кабелларигача бўлган масофани ташқи таъсирлардан ҳимояланмаган ҳолда 0,25 m гача қисқартиришга йўл қўйилади.

342. Ёнғин сигнализацияси шлейф (шлейф)ларини ва уланиш линияларини электромагнит шовқинлардан ҳимоя қилиш зарур бўлганда, металл қувурлар, бўлмаларга ётқизилган экранланган (ўз электромагнит майдонларининг тарқалишига тўсқинлик

қиладиган ва симни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилувчи) ёки экранланмаган сим ва кабеллардан фойдаланилиши, бунда сим ва кабеллар ноллаштирилган бўлиши лозим.

343. Ёнғин сигнализацияси тизимларининг ташқи электр симлари ер остига ёки оқова қувурларига ётқизилиши лозим.

Мазкур усулда ётқизиш имкони бўлмаса, уларни бино ва иншоотларнинг ташқи деворлари бўйлаб, соябонлар остида, кўча ва йўллардан ташқаридаги бинолар орасидаги таянч устунларда ЭҚЎ қоидалари талабларига мувофиқ ётқизишга йўл қўйилади.

344. Ёнғин сигнализацияси тизимларининг асосий ва захира кабель электр таъминоти линиялари назорат қилинаётган объектда ёнғин чиқиш ҳолати юз берганда, уларнинг бир вақтнинг ўзида ишдан чиқиш эҳтимолини истисно этувчи турли йўналишлар бўйлаб ўтказилиши лозим. Бунда, линияларни турли кабель иншоотлари орқали ўтказиш керак.

Ёруғликда улар орасидаги масофа камида 1 m бўлганда, ёнғин сигнализацияси тизимларининг асосий ва захира кабель электр таъминоти линияларини хоналарнинг деворлари бўйлаб параллель равишда ётқизишга йўл қўйилади.

Ёнғин сигнализацияси тизимларининг асосий ва захира кабель электр таъминоти линияларини улардан камида биттаси оловбардошлик чегараси 0,75 h бўлган ёнмайдиган материаллардан бажарилган қутига (қувурга) ётқизилган бўлса, биргаликда ётқизишга йўл қўйилади.

Кўрсатилган линияларни хона деворлари бўйлаб параллел равишда ўтказишга, улар орасидаги очиқ масофа камида 1 m бўлган ҳолда йўл қўйилади.

Кўрсатилган кабель линияларини биргаликда ўтказишга, уларнинг камида биттаси 0,75 h оловга бардошлилик чегарасига эга бўлган ёнмайдиган материаллардан тайёрланган қувур ичига жойлаштирилганда йўл қўйилади.

345. Ёнғин сигнализациясининг шлейфларини улаш қутилари ёрдамида қисмларга ажратишга йўл қўйилади.

Шлейфнинг охирида унинг ёқилган ҳолатини кўз билан (визуал) кузатишни таъминловчи қурилма (қизил рангдан фарқли, милтилловчи частотаси 0,1-0,3 Hz бўлган ялтироқ сигналли қурилма)ни ўрнатишга йўл қўйилади.

Ёнғин сигнализацияси тизимининг ҳолатини баҳолаш учун мосламани улаш мақсадида, уланиш қутиси ёки бошқа коммутация қурилмани кўзда тутиш лозим.

Ушбу қурилмаларни қулай жой ва баландликда жойлаштириш зарур.

346. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини бошқаришда радиоканал алоқа линиялари ахборот узатишни таъминлаши керак.

14-§. Ёнғин сигнализация тизимларининг бошқа тизимлар, бино ва иншоотларнинг технологик ва электротехник жиҳозлари билан ўзаро алоқаси

347. Объектнинг хабарлаш, тутун тортиш қурилмалари ёки муҳандислик жиҳозларини автоматик режимда бошқариш учун сигналлар шакллантирилиши эвакуация йўлларини тўсиб қўйиш вақтининг минимал қиймати билан ёнғин ҳақида хабар берилгандан кейинги эвакуация вақти ўртасидаги фарқдан ошмайдиган муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Ёнғин ўчириш қурилмаларини автоматик режимда бошқариш учун сигналларни шакллантириш қуйидагича амалга оширилиши лозим:

ёнғин ўчоғини ривожланиши учун чеклаш вақти ва ёнғин ўчириш қурилмаларининг инерциялилиги ўртасидаги фарқдан ошмаган, бироқ хавфсиз эвакуация қилиш учун зарур бўлган вақтдан кўп бўлмаган вақт давомида;

ёнғинни ўчириш, тутун тортиш, хабарлаш қурилмалари ёки муҳандислик жиҳозларини автоматик режимда бошқариш учун сигналларни шакллантириш ва камида иккита ёнғин хабарлагич ёқилганда.

Бунда, хабарлагичларни жойлаштириш мазкур ШНҚнинг 7 — 9-жадвалларига мувофиқ (белгиланган норманинг ярмидан кўп бўлмаган масофада) амалга оширилиши лозим.

348. Мазкур ШНҚнинг 12-иловасига мувофиқ 1, 2, 3-турдаги хабарлаш тизимлари, шунингдек ёнғин сигнализация тизими томонидан блокланган технологик, электротехникавий ускуналар учун бошқарув сигналларини шакллантиришга битта ёнғин хабарлагични ишга тушириш орқали йўл қўйилади.

349. Ҳимояланадиган хонада ёки ҳудудда бошқарув буйруғини шакллантириш учун камида қуйидагилар бўлиши керак:

учта ёнғин сигнализатори — улар икки босқичли қурилмаларнинг шлейфларига ёки манзилли шлейфларга ёки бир босқичли қурилмаларнинг учта мустақил радиал шлейфларига уланган ҳолда;

тўртта ёнғин сигнализатори — улар бир босқичли қурилмаларнинг иккита шлейфига уланган ҳолда, бунда ҳар бир шлейфга иккитадан сигнализатор уланади.

350. Навбатчи ходимлар кеча-кундуз бўладиган хонадан ташқарида ўрнатилган назорат ва бошқарув асбобларининг, шунингдек ёнғин пайтида одамларни огоҳлантириш ва эвакуацияни бошқариш техник воситаларини назорат қилиш ва бошқариш алоқа линияларининг, тутундан ҳимоя қилиш, автоматик ёнғин ўчириш ҳамда бошқа ёнғинга қарши ҳимоя қурилмалари ва мосламаларининг носозлиги тўғрисидаги маълумотлар ушбу хонага етказилиши керак.

351. Спринклер ёнғинни ўчириш тизими ишлатилганда, тутун тортиш тизимини ишга тушириш тутун ёки газ ёнғин хабарлагичлардан амалга оширилиши лозим.

Тутунга қарши шамоллатиш тизимини ёнғин хабарлагичлари орқали ишга тушириш керак:

автоматик спринклер ёнғин ўчириш қурилмасининг ишга тушиш вақти тутунга қарши шамоллатиш тизимининг ишлаши ва хавфсиз эвакуацияни таъминлаш учун зарур бўлган вақтдан кўпроқ бўлса;

сувли ёнғин ўчириш спринклерли қурилмасининг ўт ўчириш моддаси (сув) одамларни эвакуация жараёнини қийинлаштирса.

Тутунга қарши шамоллатиш тизимлари спринклер ёнғин ўчириш қурилмаси орқали ёқилишига йўл қўйилади.

352. Ҳимояланадиган хоналарда автоматик ёнғин ўчириш (газли, кукунли ва аэрозолли) ва тутундан ҳимоя қилиш қурилмаларининг бир вақтнинг ўзида ишлашига йўл қўйилмайди.

12-боб. Ёнғин ўчириш қурилмалари ва ёнғин сигнализацияси тизимларининг электр таъминоти

1-§. Умумий талаблар

353. Электр таъминотининг ишончлилигини таъминлаш даражасига кўра, автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва ёнғин сигнализацияси тизимларининг электр қабул қилгичларини ЭҚЎ қоидаларига мувофиқ, I тоифага мансуб ҳолда лойиҳалаштириш лозим.

Бунда, электр таъминотининг III тоифасига мансуб бўлган компрессор электр моторлари, дренаж ва кўпик ҳосил қилувчи модда ҳайдовчи насослар, шунингдек мазкур ШНҚнинг 357 ва 360-бандларида келтирилган ҳолатларни I тоифага мансуб ҳолда лойиҳалашга йўл қўйилмайди.

«Ф1.1» функционал ёнғин хавфи синфига мансуб бўлган, одамлар сутка давомида ташриф буюрадиган биноларнинг ёнғинга қарши ҳимоя тизимларини электр билан таъминлаш учта мустақил, ўзаро захираловчи таъминот манбаларидан амалга оширилиши лозим.

Ушбу манбалардан бири сифатида мустақил (автоном) электр генераторларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

354. Электр қабул қилувчиларни электр таъминоти мазкур ШНҚнинг 353-бандида келтирилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ЭЎҚ бўйича амалга оширилиши лозим.

355. Битта электр таъминоти манбаи мавжуд бўлганда (электр таъминоти ишончлилигининг III-тоифасидаги объектларда), мазкур ШНҚнинг 353-бандида

келтирилган электр қабул қилувчилар учун захира қувват манбаи сифатида аккумуляторли батареялар ёки узлуксиз қувват манбаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Улар ушбу электр қабул қилувчиларни кутиш режимида 24 h ва «Ташвиш» режимида камида 3 h қувват билан таъминлаши керак.

356. Мазкур ШНҚнинг 353-бандида келтирилган электр қабул қилувчиларни лойиҳалаш жараёнида иккита мустақил манбадан қувватлантириш имкони бўлмаса, электр қабул қилувчиларни:

битта манбадан — икки трансформаторли подстанциянинг турли трансформаторларидан;

турли йўналишлар бўйлаб ётқизилган турли хил таъминот линияларига уланган иккита яқин битта трансформаторли подстанциялардан;

автоматик захира киритиш мосламаси билан, паст кучланишли томондан етказиб беришни кўзда тутишга йўл қўйилади.

357. Автоматик захира киритиш мосламасининг жойлашуви қуйидагича лойиҳалаш орқали белгиланиши керак:

автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва ёнғин сигнализация тизимларининг электр қабул қилувчиларининг кириш жойларида марказлаштирилган;

электр таъминоти ишончлилигининг I-тоифасидаги электр қабул қилувчиларда марказлаштирилмаган;

масофавий электр қабул қилувчиларга етказиб бериш линияларини ётқизишнинг ўзаро жойлашуви ва шартлари асосида.

358. Электр таъминотининг I тоифадаги ишончлилигига эга бўлган, автоматик равишда ишга тушириладиган технологик захирага (битта ишчи ва битта захира насос мавжуд бўлганда) эга автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларининг электр қабул қилгичларини лойиҳалаш ишларида улар учун захирани автоматик ишга тушириш қурилмаси талаб этилмаслиги ҳисобга олиниши лозим.

359. Сув ва кўпикли ёнғинни ўчириш қурилмаларида захира қувват манбаи сифатида дизель электр станцияларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

360. Ёнғин ўчириш автоматик қурилмалари ва ёнғин сигнализацияси тизимининг электр қабул қилувчи қурилмалари захира манбасидан таъминланганда, зарурат туғилганда, объектдаги электр таъминотининг II ва III ишончлилик тоифасидаги электр қабул қилувчи қурилмаларни ўчириш орқали ёнғин ўчириш автоматик қурилмалари ва ёнғин сигнализацияси тизимининг электр қабул қилгичларининг электр таъминотини таъминлашга йўл қўйилади.

361. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва ёнғин сигнализация тизимларининг электр занжирларини ҳимоя қилишни лойиҳалаштириш ишлари ЭЎҚга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ёнғинни ўчириш автоматик қурилмаларининг бошқарув занжирларида ёнғин ўчоғига ўт ўчирувчи модданинг етказиб берилишини тўхтатиб қўйилишини олдини олиш мақсадида, иссиқлик ва максимал ҳимоя тизимларини ўрнатишга йўл қўйилмайди.

2-§. Ҳимоявий ерлантириш, ноллаштириш ва хавфсизлик талаблари

362. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва ёнғин сигнализация тизимларининг электр жиҳозларини ҳимоявий ерлантириш (ноллаштириш)ни лойиҳалаштириш ишлари ЭЎҚ, ШНҚ 2.05.06-22, ГОСТ 12.1.030-81 талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

363. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини маҳаллий ишга тушириш учун мосламалар тасодифий киришдан ҳимояланган ва муҳрланган бўлиши керак (ёнғин ўчириш станцияси ёки ёнғин постлари хоналарида ўрнатилган маҳаллий ишга тушириш мосламалари бундан мустасно).

364. Турли мақсадларга мўлжалланган бино ва иншоотлар (музей, кўнгилочар марказлар, театрлар, кимё маҳсулотлари сақлаш омборлари)ни лойиҳалаштиришда радиациявий хавфсизлик талабларига риоя қилиш керак.

3-§. Ёнғин автоматикасининг техник воситаларини танлашда ҳисобга олинадиган талаблар

365. Ёнғин хабарлагичлари, қабул-назорат мосламалари ва бошқариш қурилмаларининг турларини танлашда ГОСТ 12.1.004-91 га мувофиқ бўлиши керак.

366. Ёнғинни аниқлаш ва бошқарув сигналини шакллантиришнинг техник воситалари қуйидаги бошқарув сигналларини шакллантириши керак:

хабар бериш ва эвакуацияни бошқариш воситаларини ёқиш учун — ёнғиннинг хавфли омиллари чегаравий қийматларига етишидан олдин одамларнинг хавфсиз эвакуациясини таъминлайдиган вақт давомида;

ёнғинни ўчириш воситаларини ёқиш учун — ёнғинни ўчириш (ёки локализация қилиш) мумкин бўлган вақт давомида;

тутунга қарши ҳимоя қилиш воситаларини ёқиш учун — ёнғин хавфининг чегаравий қийматларига етишидан олдин одамларга эвакуация йўллари орқали ўтишга йўл қўйилган вақт давомида;

ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимларининг ишлашига жалб қилинган технологик қурилмаларни технологик регламентда белгиланган вақт давомида бошқариш.

«Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси тизими. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Автоматик ёнғин сигнализацияси ва ёнғин ўчириш қурилмалари билан ҳимоя қилинадиган бинолар, иншоотлар, хоналар ва жиҳозларнинг рўйхати

1. Мазкур ШНҚнинг 1-иловаси 1-жадвалида келтирилган рўйхат бино, иншоот, хона ва ускуналарни АЁС ва АЁЎҚ билан барча босқичларда ҳимоялаш, ўрнатиш, ишлатиш, таъмирлашнинг тартибга солувчи асосий талабларни белгилаб бериши лозим.

Рўйхатга киритилмаган объектлар, қурилиш, ёнғин хавфсизлиги бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ (ҚМҚ, ШНҚ, РҲ, ЁХҚ) ҳамда идоравий қурилиш нормалари талабларига мувофиқ АЁС ва АЁЎҚ билан жиҳозланиши керак.

АЁС, АЁЎҚ ва ёнғинни ўчириш воситасининг турлари ва кўрсаткичларини аниқлаш ҳимояланаётган объектларнинг технологик, конструктив ва ҳажмий-режавий хусусиятларини, моддалар ва материалларнинг ёнғинга хавфли хусусиятларини, ускуналарнинг техник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур ШНҚга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Мустақил (автоном) автоматик ёнғинни ўчириш қурилмаларини (АЁЎҚ) алоҳида ёнғин-хавфли ҳудудлар, ҳажмли ускуналарни муҳофаза қилишда қўлланилишига йўл қўйилади.

2. Биноларнинг ер ости қисми мазкур ШНҚга мувофиқ ёнғинга қарши девор (ёнғинга қарши отсек)лар билан ажратилган бинонинг бир қисми сифатида қабул қилиниши керак.

Хона майдонининг кўрсаткичи бино ёки иншоотнинг оловбардошлилик чегараси «EI 45» кам бўлмаган тўсиқлар ҳамда оловбардошлилик чегараси «REI 45» кам бўлмаган ёнғинга қарши девор ва ораёпмаларнинг бир қисми сифатида қабул қилиниши лозим.

3. Қуйидаги хоналардан ташқари бино ва иншоотларда барча хоналар майдонидан қатъи назар, АЁС ва АЁЎМ билан ҳимоя қилиниши керак:

нам жараёнлар билан (душ, санитар хоналари, совитиш камералари, ювиш хоналари);

шамоллатиш камералари («А» ёки «Б» тоифадаги ишлаб чиқариш хоналарига хизмат қилмайдиган таъминот, сўрувчан, сув таъминоти насос станциялари, қозонхоналар);

муҳандислик ускуналари учун хоналар, ёнувчи материаллар бўлмаган бинолар;

ёнғин хавфлилиги бўйича «В4» ва «Д» тоифали хоналар;

зина катаклари.

4. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланадиган хоналар майдони бино ва иншоотларнинг умумий қават майдонининг 50 фоизи ёки ундан ортиқ бўлса, объектнинг барча бино ва иншоотлари автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланиши зарур (мазкур ШНҚнинг 1-иловасининг 3-бандида келтирилган хоналар бундан мустасно).

5. Хона, бино ва ташқи қурилмаларнинг тоифаси ШНҚ 2.01.19-22 га мувофиқ аниқланиши керак.

1-жадвал

Ҳимоя объекти	**АЁЎҚ**	**АЁС**
	Норматив кўрсаткичлар	
I. Бинолар		
1. Ёнувчан изоляцияли енгил металл конструкцияларидан ишланган турар жой, умумий ётоқхоналар ва жамоат бинолари:		

бир қаватли; икки ва ундан юқори қаватли	майдони 500 m^2 ва ундан катта майдонидан қатъи назар	500 m^2 гача
2. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни сотишга ихтисослаштирилган савдо корхоналари бинолари (идиши 20 *l* дан ошмайдиган идишларда қадоқланган товарлар бундан мустасно)	майдонидан қатъи назар	
3. Икки ва ундан ортиқ қаватли меҳмонхона бинолари	ёнғинга қарши бўлма майдони 800 m^2 ва ундан катта бўлганда	ёнғинга қарши отсек майдони 800 m^2 гача бўлганда
4. Ёнғин хавфи бўйича «В» тоифадаги омборлар: баландлиги икки ва ундан юқори қаватли; 5,5 m ёки ундан ортиқ баландликдаги жавонларда сақланадиган	майдонидан қатъи назар	
5. Транспорт воситаларини сақлаш учун ёпиқ турдаги бинолар: ер остида, қаватлар сонидан қатъи назар; ер устида, икки ёки ундан ортиқ қаватли; механизациялашган	майдонидан қатъи назар	
6. Автотранспорт воситаларини сақлаш, техник хизмат кўрсатиш, диагностика ва таъмирлаш бинолари: оловга бардошлилик бўйича I ва II-даражали; оловга бардошлилик бўйича III-даражали; оловга бардошлилик бўйича IV-даражали	хоналарнинг умумий майдони: 7000 m^2 ва ундан катта 3600 m^2 ва ундан катта 2000 m^2 ва ундан катта	 7000 m^2 гача 3600 m^2 гача 2000 m^2 гача
II. Хоналар		
Жамоат биноларидаги (иншоотларидаги) хоналар		
1. Цирклардаги безак буюмлари, бутафориялар, реквизитлар омборхоналари, дурадгорлик устахоналари, ем-хашак, инвентарь, хўжалик, реклама маҳсулотларини сақлаш, ишлаб чиқариш хоналари, саҳнага хизмат кўрсатувчи ва таъмирлашга мўлжалланган хоналар, ҳайвонлар учун омборхоналар, томошабинлар зали гумбази остидаги чордоқ хоналари	майдонидан қатъи назар	
2. Жамоат биноларидаги ишлаб чиқариш ва омборхоналарга мўлжалланган хоналар	ишлаб чиқариш, сақлаш (сақлаб туриш) хоналарига қўйиладиган талабларга мувофиқ	
Ишлаб чиқариш хоналари		
3. Портлаб-ёниш хавфи бўйича «А» ва «Б» тоифадаги хоналарда (ушбу жадвалнинг 8-бандида келтирилганлардан ва донни қайта ишлаш ва сақлаш бино ва иншоотларида жойлашган хоналар бундан мустасно).	300 m^2 ва ундан катта	300 m^2гача
4. Ишқорий металлар мавжуд хоналарни қаватларга жойлаштиришда:		

ярим ертўла (цокол) қаватларида; ер усти қаватларида	300 m^2 ва ундан катта 500 m^2 ва ундан катта	300 m^2 гача 500 m^2 гача
5. Портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича тоифаси «В1» бўлган хоналарни қаватларга жойлаштиришда (донни қайта ишлаш ва сақлаш бино ва иншоотларда жойлашган хоналар бундан мустасно); ярим ертўла (цокол) ва ертўла қаватларида; ер усти қаватларида (ушбу жадвалнинг 8 — 15 бандларида келтирилганлари бундан мустасно)	 майдонидан қатъи назар 300 m^2 ва ундан катта	 300 m^2 гача
6. Портлаб-ёниш хавфи бўйича «В2»-»В3» тоифадаги хоналарни жойлаштиришда (ушбу ШНҚнинг 7 — 15-бандларида келтирилганлардан ва донни қайта ишлаш ва сақлаш бино ва иншоотларда жойлашган хоналар бундан мустасно): ярим ертўла (цокол) қавати ва ертўладан тўғридан тўғри ташқарига чиқиш йўллари мавжуд бўлмаганда; ярим ертўла (цокол) қавати ва ертўладан тўғридан тўғри ташқарига чиқиш йўллари мавжуд бўлганда; ер усти қаватларида	 300 m^2 ва ундан катта 700 m^2 ва ундан катта 1000 m^2 ва ундан катта	 300 m^2 гача 700 m^2 гача 1000 m^2 гача
7. Ёғ-мой ертўлалари	майдонидан қатъи назар	
8. Алюмин кукуни асосида суспензиялар, резина елимларини тайёрлаш хоналари, ЕА ва Ё суюқликлар асосида лок, бўёқ, елим, суртма (мастика) ва сингдирувчи аралашмаларни тайёрлаш хоналари, бўёқлаш, синтетик каучукнинг полимеризациялаш, газ турбинали двигателлар ўрнатилган компрессор хоналари, нефтни оловли қиздиргичлар хоналари, суюқ ёқилғида ишловчи двигателли генераторлар хоналари	майдонидан қатъи назар	
9. Юқори вольтли синов хоналари, шунингдек ёнувчи материаллар билан ҳимояланган хоналар	майдонидан қатъи назар	
Алоқа хоналари		
10. Узатиш мосламалари қуввати 150 кW ва ундан юқори бўлган узатиш радиостанциялари, қабул қилиш мосламалари сони 20 дан ортиқ бўлган қабул қилиш радиостанциялари, узатиш мосламаси қуввати 1 кW дан ортиқ бўлган доимий космик алоқа станциялари, узатиш мосламалари қуввати 25-50 кW бўлган ретранслация телевизион станциялари, тармоқ узеллари, шаҳарлараро ва шаҳар телефон станциялари, телеграф станциялари, чекка ҳудудлардаги кучайтириш пунктлари ва туманлар алоқа тармоқларининг шамоллатиш, трансформаторлар ва ажратувчи қурилмалар хоналари		майдонидан қатъи назар
11. Кечки ва тунги сменаларсиз хизмат кўрсатилмайдиган ҳамда хизмат кўрсатиладиган:	майдонидан қатъи назар	

охирги кучайтириш пунктлари, оралиқ радиореле станциялари, узатувчи ва қабул қилувчи радиомарказларнинг техник цехлари		
12. Ҳаракатдаги радиоалоқа уяли тизимининг таянч станцияларидаги хизмат кўрсатилмайдиган аппарат хоналари ҳамда ҳаракатдаги радиоалоқа уяли тизимининг радио-релей станцияларидаги аппарат хоналари	24 m^2 ва ундан катта	24 m^2 гача
13. Асосий кассалар, ўтказмаларни назорат қилиш бюроси хоналари ва почта алоқа бўлимларининг ҳисоблаш марказлари, шаҳар ва туман почта алоқа бўлимларининг хоналари: бинонинг умумий ҳажми 40 минг m^3 ва ундан катта; бинонинг умумий ҳажми 40 минг m^3 гача	24 m^2 ва ундан катта	24 m^2 гача
14. Кваз-электрон ва электрон турдаги коммутация ускуналари компьютер билан биргаликда ўрнатиладиган автоматик телефон алмашув станциялари, бошқарув комплекси сифатида ишлатиладиган, кириш-чиқиш қурилмалари, электрон коммутация станциялари хоналари, узеллар, электр алоқа ҳужжатлари марказлари, ҳажмига кўра: рақамлар, каналлар ёки уланиш жойлари 10 минг ва ундан ортиқ; рақамлар, каналлар ёки уланиш жойлари 10 мингтагача	майдонидан қатъи назар	майдонидан қатъи назар
15. Станцияларнинг идиши бўйича автоматик шаҳарлараро телефон станцияларининг компьютерлари асосида бошқариладиган қурилмалар учун ажратилган хоналар: шаҳарлараро каналлар 10 минг ва ундан ортиқ; шаҳарлараро каналлари 10 мингтагача	24 m^2 ва ундан катта	24 m^2 гача майдонидан қатъи назар
16. Почта жўнатмаларини сақлаш, саралаш ва жўнатишга тайёрлаш хоналари	500 m^2 ва ундан катта	500 m^2 гача
Транспорт воситаларини сақлаш хоналари		
17. Транспорт воситаларини бошқа мақсадлар учун мўлжалланган биноларда сақлаш хоналарида (якка тартибдаги турар жой бинолари бундан мустасно) жойлашувига кўра: ертўлаларда ва ер ости қаватларида (кўприк остида); ярим ертўла (цокол) ва ер устидаги қаватларда	майдонидан қатъи назар 3 ва ундан ортиқ автомобиллар	3 тагача автомобиллар
Жойлаштириш ва сақлаш хоналари		
18. Портлаб-ёниш хавфи бўйича «А» ва «Б» тоифадаги хоналарда (донни қайта ишлаш ва сақлаш бино ва иншоотларида жойлашган хоналар бундан мустасно)	300 m^2 ва ундан катта	300 m^2 гача
19. Каучук, резина ва резинатехник буюмлар, целлулоид ва целлулоид буюмлари, гугурт, ишқорли металлар ва пиротехника буюмлари, мўйна, жун,	майдонидан қатъи назар	

мўйна ва ундан тайёрланган буюмлар, ёнадиган асосда кино-фото-аудио тасмалар, қимматбаҳо металлар ва тошлар		
20. Ёнғин хавфи бўйича «В1» тоифадаги хоналарни қаватларга жойлаштиришда (ушбу жадвалнинг 19-бандида келтирилганлардан ва донни қайта ишлаш ҳамда сақлаш бино ва иншоотларда жойлашган хоналар бундан мустасно): ярим ертўла (цокол) ва ертўла қаватларида; ер усти қаватларида.	майдонидан қатъи назар 300 m^2 ва ундан катта	300 m^2 гача
21. Ёнғин хавфи бўйича «В2»-»В3» тоифадаги хоналарни қаватларда жойлаштиришда (19-бандда кўрсатилганлардан ва донни қайта ишлаш ва сақлаш бино ва иншоотларда жойлашган хоналардан ташқари): ярим ертўла (цокол) ва ертўла қаватларида; ер усти қаватларида	300 m^2 ва ундан катта 1000 m^2 ва ундан катта	300 m^2 гача 1000 m^2 гача
III. Иншоотлар		
1. Жамоат ва саноат биноларининг кабель иншоотлари*.	100 m^3 ва ундан катта	100 m^3 гача
2. Саноат бинолари оралиғида ётқизилган кабель туннеллари ва тўлиқ ёпиқ галереялар (шу жумладан комбинацияланган)		50 m^3 ва ундан катта
3. Шаҳар кабель коллекторлари ва туннеллари (шу жумладан, бошқа коммуникациялар билан комбинацияланган)		ҳажми ва майдонидан қатъи назар
4. Металл қувурлар орқали мойли кабеллар ётқизилган кабель иншоотлари		ҳажми ва майдонидан қатъи назар
5. Ёғоч материалларини ташиш учун ёпиқ галереялар, туннеллар		узунлигидан қатъи назар
6. Осма шифтлар юқорисидаги бўшлиқларда «Ё1-Ё4» алангаланиш гуруҳига мансуб материаллардан тайёрланган изоляцияли ҳаво каналлари ва қувурларни ётқизишда, шунингдек аланга тарқатмайдиган кабеллар (симлар), шу жумладан, улар биргаликда ётқизилганида**: ҳаво каналлари, қувурлар ёки кабеллар (симлар), шу жумладан, улар биргаликда ётқизилганида, кабелларнинг (симларнинг) ёнувчи массаси ҳажми билан, ёнадиган массанинг умумий ҳажми бўлган ёнмайдиган турдаги кабеллар учун	1 m кабель линияси учун 7 ва ундан ортиқ l бўлганда	узунлигидан қатъи назар 1 m кабель линияси учун 1,5 дан 7 l гача бўлганда
7. Темир йўл ва автомобиль йўллари туннеллари	узунлиги 2500 l ва ундан ортиқ	узунлиги 300 l ва ундан ортиқ

Изоҳлар:

** Кабель иншоотлари — электр кабелларини (бошқа коммуникациялар билан биргаликда) ётқизишда ишлатиладиган туннеллар, каналлар, ертўлалар, шахталар, қаватлар, икки қаватли поллар, галереялар ва камералар.*

*** 1. Кабель иншоотлари, осма шифтлар ва икки қаватли поллар орасидаги бўшлиқларни қуйидаги ҳолларда автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозлашга йўл қўйилмайди:*

пўлатли сув ва газ қувурларига ёки қопқоқлари бутунлай очиладиган пўлат қутиларга (коробларга) кабелларни (симларни) ётқизишда;

ёнмайдиган ҳимоя қобиқли қувурлар ва ҳаво қувурларига ётқизишда;

ёритиш занжирини таъминлаш учун ёнмайдиган «ЁНМ» турдаги якка кабелларни (симларни) ётқизишда;

ёнмайдиган «ЁНМ» ва «Ё1» ёниш гуруҳига кирувчи материаллардан ишланган осма шифтлар орасидан умумий ёнувчан массаси 1 т кабель линияси учун 1,5 l дан кам бўлган «ЁНМ» туридаги кабелларни (симларни) ётқизишда;

2. Бинолар (хоналар) тўлиқ АЁЎҚ билан ҳимояланиши керак бўлган ҳолларда осма шифтлар орасидаги бўшлиқлардан «Ё1» — «Ё4» ёниш гуруҳига кирувчи материаллардан ишланган ҳимоя қобиқлари билан ўралган ҳаво каналлари ва қувурлари ўтказилганда ёки умумий ёнувчи массаси 1 т кабель линияси учун 7 l дан кўп бўлган кабеллар (симлар) ётқизилганда тегишли қурилмалар билан ҳимояланиши керак.

Шифтдан осма шифтгача бўлган оралиқ 0,4 т дан ошмаса, АЁЎҚларни ўрнатишга йўл қўйилмайди.

3. Кабелларнинг (симларнинг) ҳимоя қобиқларини ёнувчан массаси ҳажми белгиланган тартибда усулда аниқланиши керак.

IV. Жиҳозлар

Ҳимоя объекти	АЁЎҚ	АЁС
	Норматив кўрсаткичлар	
1. Енгил алангаланувчи ва ёнувчан суюқликлар қўлланадиган бўяш камералари	Майдони ва туридан қатъи назар	
2. Қуритиш камералари	Майдони ва туридан қатъи назар	
3. Ёнувчи чиқиндиларни йиғиш жойлари (циклон, бункерлар)	Майдони ва туридан қатъи назар	
4. Автомобиллар ва тиркамаларга ўрнатилган дизель ва бензинли электр қурилмали кўчма электр станцияларининг синов станциялари	Майдонидан қатъи назар	
5. Ёнувчи материалларни ва ёнувчи қадоқдаги ёнмайдиган материалларни сақлаш учун баландлиги 5,5 m дан ошиқ бўлган стеллажлар	Майдонидан қатъи назар	
6. Мой қиздириш учун идишлар	3 m^3 ва ундан ортиқ	

Изоҳ. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини турини, ўчириш усулини (ҳажми ва майдони бўйича, маҳаллий ва бошқалар), ўт ўчириш моддаси турини (сув, кўпик, кукун, газ) танлашда лойиҳа топшириғи асосида норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

«Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси тизими. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Ёнғин хавфи даражаси (ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар) ҳамда уларнинг функционал мақсади ва ёнувчан материалларнинг ёнғин юкламаси бўйича хоналарнинг гуруҳлари

Хоналар гуруҳи	Функционал вазифага эга бўлган хоналар, ишлаб чиқариш, технологик жараёнлар рўйхати
1.	Китоб сақлаш хоналари, кутубхоналар, цирклар, ёнувчан музей бойликларини сақлаш жойлари, омборхоналар, музейлар ва кўргазмалар, бадиий галереялар, концерт заллари, электрон ҳисоблаш ускуналари хоналари, савдо дўконлари, маъмурий бинолар, меҳмонхоналар, шифохоналар
2.	Ёғочга ишлов бериш, тўқимачилик, трикотаж, тўқимачилик-атторлик, тамаки, пойабзал, чарм, мўйна, целлюлоза-қоғоз ва босма ишлаб чиқариш хоналари, бўяш, шимдириш, бўёқ тайёрлаш, аралашмалар тайёрлаш, ёғсизлантириш, консервациялаш ва консервациядан чиқариш, тез алангаланувчи ва ёнувчан суюқликларни қўллаган ҳолда деталларни ювиш, пахта, сунъий ва плёнкали материаллар ишлаб чиқариш, тикувчилик саноати, резина-техник буюмларни қўлловчи ишлаб чиқаришлар, автомобилларга хизмат кўрсатиш корхоналари, гаражлар ва тўхташ жойлари, «В3» тоифасидаги хоналар (ёнғин юкламаси 181 — 1400 MJ/кв. м)
3.	Резина-техник буюмлар ишлаб чиқариш хоналари
4.	Ёнувчан табиий ва синтетик толаларни ишлаб чиқариш, бўяш ва қуритиш, очиқ ҳолда бўяш, қуритиш хоналари, бўёқ, лок ҳамда «ЕАС» ва «ЁС» ёрдамида елим тайёрлаш, «В2» тоифали хоналар (ёнғин юкламаси 1400 — 2200 MJ/ kv. m)
